

ТАНҚИДИЙ ТАХЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК – ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУНДАЛИК ҚОИДАСИ БЎЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Мана, 2016 йил якунига етди.

Бу йил Ўзбекистон ва унинг халқи учун кўп жиҳатдан мураккаб йил бўлди. Охириги беш ойда кўз берган воқеалар буни яққол тасдиқлаб турибди.

Юртимизда бўлиб ўтган Президент сайлови ва Ўзбекистон Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари давлатимиз тизими мустахкамлигини, ҳокимиятнинг барча бўғинлари, жамиятимиз ва халқимизнинг жипслигини бутун дунёга яна бир бор намоён этди.

Барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Ислам Абдуганиевич Каримов бугун орамизда йўқ. Бироқ Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "Ўзбек модели"ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиш борасидаги стратегик тамойилларга биз ўз ишимизда доимо суянамиз.

Бу тамойиллар Ўзбекистонда бундан буён ҳам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни таъминлашнинг мустахкам пойдевори ҳисобланади.

2017 йилни биз Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилдик. Бугунги мажлисимизнинг асосий мазмунини айнан шу талабдан келиб чиққан ҳолда белгилашни тақриф этаман. Шу муносабат билан сизларнинг эътиборингизни қуйидаги энг муҳим масалаларга қаратишни зарур, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, нима сабабдан ўтган йилда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни ривожлантиришнинг айрим кўрсаткичларига эришилди? Бунинг учун ким шахсан жавоб беради?

Иккинчидан, 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилаб олишимиз зарур.

Учинчидан, келгуси беш йил давомида қандай стратегик вазифаларни амалга оширишимиз керак?

Мажлис иштирокчиларини

огоҳлантириб айтмоқчиман: "ғалаба рапорти" ва қилинган ишга доир ҳисоботларга берилмасдан, асосий диққат-этиборни мавжуд камчиликлар ва уларнинг илдишларини пухта таҳлил қилишга қаратиш зарур. Шунингдек, мамлакат Президенти ва ҳукумати даражасида ечилмаган аниқ тақлифлар ва муаммоли масалаларга эътибор бериш шарт.

Мажлисни асосан мулоқот тарзида ўтказишни тақлиф этаман. Қўйилган саволларга бериладиган жавоблар аниқ-равшан ва тушунарли бўлиши керак. Бу нафақат Бош вазир ўринбосарлари, ҳукумат аъзолари ва шу залда ўтирган мажлис иштирокчиларига, балки барча шахар ва туман раҳбарларига ҳам бирдек тегишлидир.

Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришни таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислохотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Бу ислохотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир.

Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади.

Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарни – бу Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудудлар ҳокими бўладими, улар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак.

Энди ҳар биримиз, энг аввало, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг вазифаси – ўзимиз масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳолини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборат. Шундай давр келди.

Ана шу талабни, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон-

ни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси лойиҳасини кенг муҳокама қилиш давомида келиб тушган тақлифларни инобатга олган ҳолда, 2017 йил учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг ўн битта энг муҳим устувор вазифасини белгилашни тақлиф этаман.

Ушбу устувор вазифалар бугунги мажлисимиз баённомаси лойиҳасида кўрсатилган. Шу муносабат билан Бош вазир А.Ариповга ана шу йўналишларни амалга ошириш бўйича ўзаро боғлиқ чора-тадбирлар комплексини бир ой муддатда тақдим этиш топширилади.

Энг асосий устувор вазифа – "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурини амалга ошириш, "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган олижаноб ғояни эътиҳол билан ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

Айнан ана шу энг муҳим вазифалар иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларига жиддий ўзгартиришлар киритиш учун пойдевор бўлиши керак. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни бажаришимиз лозим.

Биринчи – фуқаролар билан очик мулоқотни йўлга қўйишнинг янги самарали усул ва механизмларини татбиқ қилиш, жумладан, барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдига ҳисобот бериш тизимини жорий этиш керак. Уйлайманки, ана шу муҳим ишда Қонунчилик палатаси ва Сенат қўмиталари фаол иштирок этади.

Жорий йилнинг 1 февралдан бошлаб Қонунчилик палатаси Спикери – Нуриддинжон Мўйдинхонов Исмоилов ва Сенат Раиси – Нигматилла Тўлқинович Йўлдошев ҳам жойларга чиқиб, мавжуд аҳолини шахсан ўрганиш асосида аҳолининг энг муҳим эҳтиёжларини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи – Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги, ҳар бир туман ва шаҳардаги Халқ қабулхоналари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш даркор.

Ана шу ишларнинг бош мақсади – фуқароларнинг қонуний муносабатларини қисқа муддатда синчиклаб кўриб чиқишни ва ҳал этишни таъминлашдир. Бу борада рақамлар ва силлиқ ҳисоботларнинг орқасидан қувиб, навбатдаги компаниябозликни уюштириш керак эмас.

Буни халқ ҳеч қачон кечирмайди! Бундан буён агар аризадаги оғир ҳаёт ҳолатидаги ўз қонуний муаммоси ечимидан қаноат ҳосил қилмаса, бундай муносабат назоратдан олинмайди.

Учинчи – Бош вазир бошчилигида тузилган махсус комиссия бир ҳафта муддатда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури лойиҳасини яна бир бор қайта кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун киритишни керак.

Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш энг муҳим устувор вазифамиздир.

Бош вазирнинг барча ўринбосарлари, иқтисодиёт вазир Г.Саидова, молия вазир Б.Хўжаев, Давлат солиқ қўмитаси раиси Г.Парпиев ва Давлат божхона қўмитаси раиси М.Тоҳирийни 2017 йил учун белгиланган асосий макроиктисодий кўрсаткичларга эришиш борасида шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида ана бир бор огоҳлантираман.

Макроиктисодиёт комплекси раҳбари Р.Азимов, иқтисодиёт вазир Г.Саидова ва молия вазир Б.Хўжаевнинг жорий йил якуни бўйича Давлат бюджети дефицити прогнозига доир тақлифларига

қўшилиб бўлмаслиқни алоҳида таъкидламоқчиман.

Бу борада фақат бюджет профицити ҳақида сўз бориши мумкин ва зарур. Бу муҳокама қилишни эмас, балки сўзсиз бажаришни талаб этадиган стратегик вазифадир.

Бунинг учун жойларга чиқиш, ҳар бир хонадоннинг тадбиркорлик борасидаги имкониятини ўрганиш, молиялаштиришни кенгайтириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, тадбиркорларни ишонтириш ва уларга амалий ёрдам бериш – бутун Макроиктисодиёт комплекси фаолиятидаги кундалик қоидага айланиши керак.

Фақат шундангина натижага эриша оламиз. Шу муносабат билан ҳокимлар ва уларнинг биринчи ўринбосарлари ўз иш услуби ва дунёқарашини тубдан ўзгартириши шарт.

Ҳар бир туман ва шаҳарда, республика аҳолиятига молик йирик корхоналар ҳиссасини эътиборга олган ҳолда, солиққа тортиш базасини кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳисобида Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятининг барча туманларини суввенциядан чиқаришни сўзсиз таъминлаш керак.

Бу йил бошқа ҳокимликлар ва тегишли органлар учун ҳам суввенциядан қўтилиш масаласида синов йили бўлади. Бунинг учун Макроиктисодиёт комплекси таркибидagi вазирлик ва идоралар ҳар кун, ҳар ҳафтада самарали ва тинимсиз иш олиб бориши керак. Бусиз натижага эришиб бўлмайди.

Шунинг учун Макроиктисодиёт комплекси раҳбари Р.Азимов иқтисодиётни бошқариш бўйича ҳозирги замонавий янги тизимлар самарадорлигига қўйи бўғиндаги раҳбарларни ишонтириши, уларни шу асосда ишлашга ўргатиши, бу борадаги натижа учун жавоб бериши ва уни кафолатлаши керак.

(Давоми 2-, 3-, 4-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2017 йил 14 январь кун Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис ишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, ҳукумат аъзолари, ҳўжалик билан боғлиқ, жамоатчилик ташкилотлари раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари қатнашдилар. Биринчи бор вилоят, шаҳар ва туманлар марказларида ташкил этилган студиялар билан видеоконференция алоқаси орқали ҳукумат мажлисида маҳаллий ҳокимият, вазирлик, идоралар ҳудудий бўлинмалари, корхоналарнинг раҳбар ходимлари ва тадбиркорлар иштирок этидилар.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди.

Маърузада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган тараққиётнинг "Ўзбек модели"ни ва мамлакатни ўрта муддатли истиқболда янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш Дастурини изчил амалга оширишни давом эттириш 2016 йилда иқтисодий ўсишнинг барқарор ва юқори суръатларини сақлаб қолишни ва макроиктисодий мувозанатни, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати ошишини таъминланганлиги қайд этиб ўтилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлиси кун тартибига киритилган муҳим масалаларни муҳокама қилиш давомида 2016 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга ўсганлиги қайд этиб ўтилди. Саноат маҳсулоти ҳажми – 6,6 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари – 12,5 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,4 фоизга, хизматлар – 12,5 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорда профицит билан икром этилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 5,7 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорда ёки 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўп инвестициялар йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоизга ўсди ва 3,7 миллиард доллардан ошиб кетди. Умумий қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш якунланди.

(Давоми 5-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН – МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗ, МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ ФАХРУ ГУРУРИМИЗ!

ЮКСАК ИШОНЧ – ЮКСАК ШАРАФДИР

Президентимиз, мамлакатимиз Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан ватан ҳимоячиларига байрам табригини катта мамнуният ва зўр қизиқиш билан ўрганияпмиз.

Унда давлатимиз раҳбари таъкидланганидек, бугунги кунда миллий армиямиз минг-минглаб ўғлонларимиз учун чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактабига айланган. Буни биз ҳарбийлар ўз ҳаётимизда аниқ ва равшан кўриб турибмиз. Ва бу сўзларнинг нақадар ҳаққоний эканлигини юрагимиздан сезамиз.

Мустақиллик йилларида юртимизда юксак мудофаа қобилиятига эга қудратли миллий армиямиз қарор топди. Бу ёшларни ҳарбий хизматга танлов асосида қабул қилишда кучли рақобат муҳитини юзага келтирди. Натижада Қуролли Кучларимиз таркиби малака-

ли, жисмонан соғлом, кадрлар ҳисобига мустаҳкамланди.

Ҳарбий бўлишимга акам сабабчи бўлган. Унинг турткиси билан аввалоги йигитлик бурчини ўтадим, кейинчалик ҳарбий хизматни давом эттириш истаги туғилди. 2003 йилда шартнома асосида ҳарбий хизматга олиндим. Ҳозирда ҳарбий қисмлардан биринчи хизмат қилмоқдаман. Дўстларим, айниқса, ёшлар билан учрашганимда уларнинг менга ҳавас билан қарашини ҳис қиламан. Шунда ўз касбимдан, Ватан посбони эканимдан фахрланиб кетаман. Хизмат давомида эришган ютуқларим бир неча мартаба ҳарбий қисм, юқори қўмондонликлар

томонидан муносиб эътироф этилди. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида эса "Шўхрат" медали билан тақдирландим.

Ватан озодлиги, юрт тинчлигини ҳеч нима билан қийслаб бўлмайди. Кишилارнинг юз-қўларидagi шўхроналик,

«БУГУНГИ КУНДА МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ МИНГ-МИНГЛАБ ЎҒЛОНЛАРИМИЗ УЧУН ЧИНАКАМ МАРДЛИК, ФИДОЙИЛИК, ҲАҚИҚИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК МАКТАБИГА АЙЛАНГАН, ҲЕЧ ШУБҲАСИЗ, ШУ ЙЎЛДА ЭРИШГАН ЭНГ КАТТА ЮТУҒИМИЗДИР.»

Президентимиз Шавкат МИРЗИЁЕВнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригидан.

хотиржамлик балқиб туриши учун бор куч-ғайратимизни, шу азиз ва муқаддас Ватан учун жонимизни ҳам фидо этишга тайёремиз.

Ақром МИРЗАЕВ, сержант.

«МЕНИНГ ЎҒЛИМ – ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ»

Гулистон шаҳрида Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида ўз йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар ва уларнинг ота-оналари иштирокида «Менинг ўғлим – Ватан ҳимоячиси», деб номланган видеомулоқот бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 25 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига

кафолати бўлган миллий армиямизни янада тақомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётганлигини алоҳида таъкидландилар.

Тадбирда аскарлар ўз яқинларини экран орқали кўриб, хурсанд бўлишган бўлса, оналар фарзандларининг ҳарбий ҳаёти, яратиб берилган шароитлар билан танишиб, уларга энг эзгу тилақларини изҳор этидилар.

– Уғлим Акмалжон ҳарбий хизматни ўтаётганига салкам бир йил бўлди, – дейди Сардоба туманилик онахон Боглоной Эргашева, – Кийган ҳарбий либоси унга жуда ярашиб турибди. Юзидаги қувонч, сўзларидаги ишонч-

ни кўриб, кўнглим тоғдек ўсди. Ҳарбий қисм раҳбарини томонидан йўланган ташаккурномани олганимда шундай фарзандим борлигидан чексиз гуруландим.

– Гулистон шаҳрида



Фотоса АБДУРАХИМОВ (ЎА) олован олован.

туриб, телеэкран орқали ота-она билан гаплашдим, – дейди Сирдарё вилоятида йигитлик бурчини ўтаётган сурхондарёлик оддий аскар Зиёбек Бердиқулов. – Уларга хизматда эришаёт-

ган ютуқларини айтиб бердим. Биз, аскарлар Ватан олдидаги бурчимизни аъло даражада бажаришга ваъда бердик. **Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.**

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК – ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУНДАЛИК ҚОИДАСИ БЎЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси

(Боши 1-саҳифада)
Хурматли дўстлар!
Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топши лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда.

Бу ўринда асосий муаммо, менинг назаримда, қуйидагилардан иборат.
Биринчидан, айрим идоралар ва уларнинг раҳбарлари реал ҳаётдан ва халқ эҳтиёжларидан маълум даражада узилиб қолмоқда.

Иккинчидан, тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишда юзакчи ёндашувга йўл қўйилмоқда.
Ва ниҳоят, учинчи асосий камчилик – кўпчилик раҳбарларнинг мураккаб муаммоларни кабинетдан чиқмасдан, иқтисодиёт тармоқлари, ҳар бир корхонадаги, шаҳар ва туманлардаги, айниқса, қишлоқ жойлардаги ишлар қандай аҳволда эканини чуқур ўрганмасдан ҳал этишга оdatланиб қолгани билан боғлиқ.

Шунинг учун бугун Бош вазир ўринбосарларидан ўзларига қарашли вазирлик ва идораларнинг адвокати бўлиб эмас, балки энг аввало, давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ана шу саволларга ғоят аниқ ва равшан жавоб беришни талаб қиламан. Шунингдек, комплекс таркибдаги ҳар бир бошқарув органи раҳбарига жиддий ва аниқ баҳо беришни сўрайман.

Барқарор иқтисодий ривожланиш пойдевори бўлган таянч тармоқлардаги ишларимиз қай аҳволда?

Давлат томонидан бу тармоқлар доимо қўллаб-қувватланаётган бўлса-да, нима сабабдан ишчилар ва барқарор ўсиш таъминланмапти? Ва ниҳоят, нима сабабдан тажрибали комплекс раҳбари Ф.Ибрагимов томонидан самарали бошқарув жиловни қўлдан чиқариб юборилган?

Аниқ далилларга мурожаат қилайлик.

“Ўзбекнефтегаз” компанияси тизимида – А.Султонов – 2010-2016 йилларда қарийб 20 миллиард долларлик катта капитал қўйилганини кiritилганига қарамастан, суяқ углеводород ва табиий газ қазиб олиш қарор қилмаган.

Шу билан бирга, бу борада хомашё импорт қилиниб 1,3 баробар кўпайган. Йирик ва ҳаётини муҳим лойиҳаларни амалга ошириш мuddатлари доимо барбод қилинмоқда. 40 минг киши ишлайдиган “Узтрансгаз” компанияси тизимида мuddати ўтган дебитор қарздорлик 14 фоизга ошган.

Нима сабабдан, Гулом Иномович, сиз илгари ўзини раҳбарлик қилган “Ўзкимсанот” акциядорлик жамияти тизимидаги ишлар аҳолига суस्ताшлик билан ёндашмасиз? Нима сабабдан ушбу тармоқдаги ишлар доимий равишда издан чиқмоқда? Қишлоқ хўжалигига фосфорли ўғитларни тўлиқ етказиб бериш ва уларнинг танқислиги учун шахсан ким жавоб беради? Охириги 10 йилда минерал ўғитларнинг нархи неча баробар ўсган?

Табиий савол туғилади: ўғитнинг таннархи неча марта қанчалик? Афсуски, бундай ҳақиқат саволларга жавоб йўқ. Бундан ким зарар кўраётми? Албатта, деҳқон ва фермерларимиз.

“Ўзбекнефто” акциядорлик жамиятида 67 миң киши, жумладан, кўштарноқ ичидаги “пұл йиғувчи”лар мавжуд бўлса-да, нима сабабдан улар дебитор қарздорлигини тағига етказиб бўлмади? Кўмир қазиб олиш тармоғи, таъбир жоиз бўлса, “ёнбошлаганича ётибди”.

Сизга уч йил олдин ҳудудлар штати ҳаддан ташқари кенгайиб кетган, жумладан, қариндошчилик асосида ишга олиш ва жуда юқори иш ҳақи белгиланган аваж олган ўнлаб лойиҳа ҳужжатлари фаолиятини пухта ўрганиб чиқиш, тартибга солиш топширилган эди. Нима учун топшириқни охиригача бажармадингиз?

Сиз ва сизга бўйсунувчи раҳбарлардан бугун ана шу саволларга жавоб беришингизни талаб қиламан. Шу билан бирга, биринчи ярим йилда асосий эътиборни қуйидаги вазифаларни амалга оширишга қаратиш зарур:
Биринчи – Навоий ва Олмалик кон-металлургия қўшма корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича яқинда тасдиқланган дастурни сўзсиз амалга ошириш учун Қ.Санакулов ва А.Фармоновнинг шахсий жавобгарлигини таъминлаш шарт. Бир-икки фоиз микдордаги ўсиш суръатлари билан чегараланиб қилиш мумкин эмас.
Шу муносабат билан Ф.Ибрагимов

қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги фабрикалар қуришга доир топшириқни бажариш бўйича қарор лойиҳасини киритишни тезлаштириш зарур;

Иккинчи – нафақат жорий йилда, балки яқин 3-5 йилда фойдаланишга топширилган барча стратегик муҳим объектларни ўз вақтида ишга тушириш даркор;

Учинчи – нефть-газ маҳсулотлари экспортини кўпайтириш, импортни кескин қисқайтириш ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳажмини ошириш учун қўшма корхона ташкил этиш бўйича пухта ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар комплексини тақдим этиш зарур.

Кейинги 10 йилда Вазирлар Маҳкамаси комплексларига қарашли вазирлик ва идоралар томонидан олиб қирилган асбоб-ускуналар импорти таҳлил қилинмаган. Уларни маҳаллийлаштиришдан ҳеч ким манфаатдор эмас, бу масала билан ҳеч ким астойдил шугулланмапти. Бундай ёндашув замирида нима ётибди, деган ҳақиқат савол туғилади.

Шунинг учун бундан буён Вазирлар Маҳкамасининг ҳар чорак яқини бўйича мажлисларидан олдин алоҳида йиғилишлар ўтказилиб, уларда ҳар қайси Бош вазир ўринбосарининг импортни ва таннархни қисқайтириш, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш борасидаги ишларнинг аҳоли тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди. Уларнинг фаолиятига ҳолисона баҳо берилди.

Давлат геология қўмитаси тизими, шунингдек, унинг раҳбари И.Тўрамуратов фаолияти самарадорлиги алоҳида эътиборни талаб қилади. Яқин вақт ичида 2017-2021 йилларда минерал-хомашё базисини ривожлантириш ва тиклаш дастури лойиҳасини тақдим этиш зарур.

Бош вазир ўринбосари У.Роқуқулов раҳбарлик қилаётган Машинасозлик комплексига юзга келган аҳвол бизни жиддий ташвишлантирмоқда.

Энг аввало, сиз раҳбарлик қилаётган автомобилсозлик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми кейинги уч йилда 2,8 баробар қанчалик. Бу нафақат саноат маҳсулоти ўсиш суръати, балки мамлакатимиз яқин ички маҳсулоти ўсишига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бу соҳада импорт ҳажми экспортдан бир неча баробар юқори бўлиб, маҳаллийлаштириш даражаси эса импортга нисбатан 20 фоиздан ҳам паст бўлиб қолмоқда.

Бутун қишлоқ хўжалиғи машинасозлиги тизимини тубдан қайта қуриш таъминланмаган. Бу тизим ўз моҳиятига кўра нафақат қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва фермер хўжалиқлари меҳнатини энгиллаштиришнинг мустақам пойдевори, яқин вақтда мамлакатимиз валюта балансини тўлдириш бўйича кафолатланган манба бўлиши керак эди.

Охириги йилларда шахсан сиз кадрлар билан ишлагани бўшапти деб юбордингиз. Сизнинг таклифингизга кўра “Ўз-элтехсанот” компанияси раҳбари этиб Э.Иминов тайинланган эди. Бироқ унинг иш натижалари ва бутун тармоқдаги аҳвол қандай?

Кўпгина инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш қўзғиб юборилмоқда. Ички бозоримизнинг қўллаб товарларга бўлган эҳтиёжи 50 фоиз даражасида ҳам қондирилмапти. Экспорт бўйича топшириқлар барбод қилинган.
Сиз ва компания раиси хорижий инвестиция ва замонавий ускуна олиб келиб, замонавий рақобатдор ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этганининг мен эслай олмайдман ҳам.

Сиз ҳусусий тадбиркорларнинг ўзи ташаббус кўрсатаётганидан қаноатланиб юрибсиз. Тармоқда эса ҳалигача зарур силжиш йўқ.

Сиз томонингиздан “Ўзстандарт” агентлиги раҳбарлигига тавсия қилинган А.Курбанов номзоди ва унга нисбатан талабчанлик қўрсатилмагани туфайли соҳада аниқ иш ва яқиний натижа бўлмади. Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг 21 миң стандартидан атиги 13 фоизи мамлакатимизда жорий этилган, ҳолос.

Шунинг учун ҳам сиздан ва тармоқ раҳбарларидан бугун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида ахборот беришингизни талаб қиламан:

Биринчи – автомобилсозлик саноатини ривожлантириш, унинг маҳсулотлари рақобатдорлигини, энг аввало, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар бозорларида ошириш бўйича принципиал жиҳатдан янги тизим зарур.

Бу борада мен “ответча билан машина йиғиш” эмас, балки асосий ва ёрдамчи тармоқларни барқарор ривожлантириш, ортқича харажатлар ва тан-

нархни қисқайтириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва импортни қисқарттиришни назарда тутялман;
Иккинчи – аҳоли учун мақбул нархда турли маийий электр техника буюмларини ишлаб чиқаришни таъминлашимиз керак;

Учинчи – ўтган йили биз “Ўзгро-техсанотхолдинг” акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилдик. Савол: уларни муваффақиятли амалга ошириш ва бу ўта муҳим тармоқнинг барқарор иш қилиниши таъминлаш бўйича сиз томонингиздан қандай аниқ чора-тадбирлар кўрилди?

Тўртинчи – бутун стандартлаштириш тизимини тубдан қайта қуриш керак. Бундан кўзланган мақсад – мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар замонавий халқаро стандартларга жавоб бериши лозим.

Сиз ва Бош вазирнинг бошқа ўринбосарлари учун мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш 2017 йилда сўзсиз ҳал қилувчи фаолият йўналишига айланishi зарур.

Бу ўринда гап фақат экспорт ҳажмининг ўсиш кўрсаткичлари ҳақида бораётгани йўқ. **Кун тартибидан ўта жиддий масалалар турибди.** Булар – мамлакатимизда яратилган технологияларнинг рақобатдорлигини таъминлаш, “ноу-хау” намуналарини яратиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, яъни юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишдир.

Бизда улкан резервлар бор. Лекин шунга қарамастан, ўтган йили жами 1 миллиард 540 миллион долларлик прогност кўрсаткичлари бажарилмай қолди. Шундан 570 миллион доллар Вазирлар Маҳкамаси комплексларига қарашли корхоналарга тўри келади. 970 миллион доллар миқдоридagi кўрсаткичлар эса ҳудудлардаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилмаган. Бизнинг маҳсулотимиз экспорт қилинадиган мамлакатлар сони 2010 йилга нисбатан 176 тадан 138 тага қанчалик.

Айни вақтда машинасозлик комплекси, “Ўзфармасаноат” концерни ва “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарда импорт ҳажми экспорт ҳажминдан ўнлаб марта кўп.

“Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти ва “Ўзбекнефтегаз” компанияси тизимида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми импорт миқдорига нисбатан 25-30 фоиздан ошмайди.

Нима сабабдан сиз ушбу муҳим вазифадан ўзини четта олаётган ва прогност кўрсаткичи атиги 42 фоизни ташкил этган Тошкент шаҳри ҳокими Р.Усмонов ва туманлар ҳокимларининг шахсий жавобгарлигини белгилаш бўйича аниқ таклифлар киритмайсиз?

Ёки Ш.Абдурахмонов, З.Рўзиёев, Ш.Ғаниев каби тажрибали ҳокимлар раҳбарлик қилаётган Андижон, Қашқар ва Фарғона вилоятларда прогност кўрсаткичлари атиги 65-85 фоиз бажарилганини қандай тушуниш мумкин?
Энди, руҳсатингиз билан, 2017 йилда олдинда турган вазифалар тўғрисида тўхталасиз. Биз 10 миллиард 800 миллион доллар ҳажмидаги маҳсулот экспортини таъминлашимиз керак. Бу борада қандай кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал этишимиз зарур?

Биринчи – 15 кунлик мuddатда комплекслар бўйича эмас, чунки бу ўзини оқламайпти, балки экспортга маҳсулот қилмайдиган барча корхоналар бўйича ҳаракат дастурини пухта ишлаб чиқиш ва У.Роқуқулов раҳбарлигидаги маҳсулоти комиссияси мажлисида тасдиқлаш керак.

Иккинчи вазифа – 2016 йилда Тошкент шаҳри ва хорижда ўтказилган халқаро саноат ярмаркаларида жами 7,7 миллиард долларлик маҳсулотни экспорт қилиш бўйича тузилган шартномаларни амалга ошириш зарур.

Россия, Қозғоғистон, Туркменистон, Украина ва Беларусь Республикасида, шунингдек, бошқа давлатларда маҳсулот сотишнинг янги бозорларини излаш бўйича бошланган ишларни янада фаол давом эттириш керак. Лекин Болгария билан бу борада яқиндан ҳамкорлик қилиш бўйича берилган топшириқ, афсуски, натижасиз қолди.

Бу ишларга бизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналаримиз ҳам ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Буни Сенат раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев ва ташқи ишлар вазирлиги А.Комилов назоратга олсин.

Учинчи вазифа – “Ўзтадбиркорэкспорт” ва “Ўзсанотэкспорт” акциядорлик жамиятлари, шунингдек, Миллий банк ҳузуридаги Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси йўналиши бўйича кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектлари экспорти билан боғлиқ. Бу борада камида 1 миллиард 500 миллион долларлик экспортни таъминлаш керак.

Тўртинчи вазифа – мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш. Бош вазир ўринбосари З.Мирзаева 15 кун мuddатда ўтган йили 650 миллион долларлик мева-сабзавот экспорт қилинмай қолгани сабабларини атрафлича таҳлил қилиб, аниқ таклифлар киритиш топширилади.
Бу борада мамлакатимиздаги мева-сабзавот етиштиришга ихтисослашган 66 та туманининг салоҳияти ва имкониятларини ҳам сўзсиз ҳисобга олиш зарур. Энди ушбу туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари ва тумандаги барча раҳбарлар прогност кўрсаткичларига эришиш учун тўғридан-тўғри жавобгардир.

Бош вазир ўринбосари, маҳсулоти комиссия раиси У.Роқуқулов ва янги департамент бу амалий вазифаларни ҳал этиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик бўйича биринчи ўринбосарлари фаолиятини мувофиқлаштириш шарт.

Мазкур иккита комплексдаги ишларнинг ҳолатини, шунингдек, Ф.Ибрагимов ва У.Роқуқуловнинг шахсий жавобгарлигини танқидий таҳлил қилишга эътиборингизни алоҳида қаратдим. Бунинг сабаби – бу соҳаларга нафақат саноат, балки бутун иқтисодиёт ривожига ҳал қилувчи ўрин тутди, деб ғоят қатъиям билан қараймиз. Уларни ва комплекслар таркибидagi ташкилотлар раҳбарларини шахсан огоҳлантираман: агар жорий йил биринчи ярим йиллиги яқунлари бўйича реал натижалар таъминланмаса, сизларга нисбатан қаттиқ чора кўрилади.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Маълумки, биз ижтимоий соҳада аҳоли салоҳияти, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, дори воситалари билан ишончли таъминлаш, жисмоний бакуват ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш масалаларига алоҳида устувор аҳамият бермоқдамиз.

Ана шу муҳим соҳаларда қандай муаммолар бор? Бундан илгари ҳам солиқни сақлаш вазири лавозимда ишлаган Бош вазир ўринбосари А.Икромовга мурожаат қилиб сўрамоқдам:

Биринчидан, нима сабабдан ўтган шунча йил мобайнида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлини, энг аввало, қишлоқ врачлик пунктларини ислоҳ қилиш самарадорлиги таъминланмади? Бугунги кунда уларда 2 миң 500 нафар врач етишмайди, бу максанларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва дори воситалари билан таъминлаш даражаси жуда паст;

Иккинчидан, диагностика даражаси пастлиги ва врачларнинг малакаси етарли эмаслиги натижасида йилига 30 миңдан зиёд юрtdошимиз даволаниш учун хорижий мамлакатларга боришга ва оила бюджетидан катта маблағ сарфлашга мажбур бўлаётганидан сизнинг хабарингиз йўқми?

Учинчидан, сиз қачон тез тиббий ёрдамнинг барча тузилмаларида тартиб ўрнатиб, уларнинг барқарор ишлашини таъминлайсиз? Нима сабабдан улар аксарият ҳолатларда беморларга ҳақиқий тез ёрдам кўрсата олмайдими?

Тўртинчидан, тиббиёт ходимлари ўртасидаги салбий ҳолатларга қачон барҳам берилди? **Бу борада фақатгина ўтган йилнинг ўзида 174 та жиноят иши қўзғатилган.** Соғлиқни сақлаш ходимлари билан яқинда бўлиб ўтган учрашувда туғруқхоналардаги таъмиргирлик билан боғлиқ салбий ҳолатлар тўғрисида сизга ва тизим раҳбарларига алоҳида айтган эдим;

Бешинчидан, сиз нима сабабдан экологиянинг жиддий муаммолари билан етарлича шугулланмайсиз? Ахир, бу соҳа одамларнинг соғлиғига ва мамлакатимиздаги эпидемиологик ҳолатта таъсир қилмайдими?

Олтинчидан, шахсан сиз ва “Дори-дармон” компанияси раҳбари А.Комилов нима сабабдан дорихоналар тармоғидаги жиддий камчиликларга панжа орасидан қараб, уларни бартараф этиш учун таъсирчан чораларни кўрмайсиз? Ахир, бу соҳада қиммат дориларнинг 45 фоизини импорт дорилар, бунинг усти-

га, нархи ҳаддан ташқари ошириб юборилган дорилар ташкил этади.

Адам Илхомович, сиз раҳбарлик қилаётган комплекснинг яна бир муҳим тармоғи – жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш билан боғлиқ. Албатта, бу соҳада, айниқса, олий маҳорат спорт борасида кейинги йилларда муайян ютуқларимиз бор. Биз улар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Лекин охириги Олимпиадада фақатгина оғир атлетика, бокс, кураш ва дзюдо бўйича совринли ўринлар эгалланди. Бунинг сабаби нимада?

Сўнги беш йилда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, шунингдек, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун бюджетдан 1 триллион 230 миллиард сўм ажратилган. Бу – Миллий олимпия қўмитаси маблағларидан ташқари.

Бизда болалар спортини, олий спорт маҳорати ва олимпия резервларини ривожлантириш бўйича қудратли база яратилган. Яна қандай база, қўшимча шарт-шароит ва воситалар керак?

Ана шу муаммолар ичига чуқур кириб бориш зарур. **Шу муносабат билан қуйидаги вазифаларни амалга ошириш талаб этилади:**

Биринчи – қишлоқ врачлик пунктлари, юқори технологиялар асосидаги ихтисослашган марказлар ва тез тиббий ёрдам станциялари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва уларга доир топшириқларни амалга ошириш юзасидан таклифларни ва тегишли ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни тезлаштириш зарур;

Иккинчи – врачлар ва тиббиёт ходимлари малакасини ҳам мамлакатимизда, ҳам етакчи хорижий клиникаларда ошириш бўйича таъсирчан тизим яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш даркор. Зарур бўлса, уларни моддий рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиш керак;

Учинчи – 340 номдаги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари чегараланган нарх бўйича сотилишини назорат қилувчи органлар билан бирга қатъий тартибга солиш зарур. **Ҳар бир фуқаро қабул қилаётган қарорларини реал фойда бераётганини сезиши керак.**

Шу билан бирга, ўтган йили сентябрь ойида тасдиқланган 2016-2020 йилларда фармацевтика саноатини янада ривожлантириш бўйича дастур самарали бажарилишини таъминлаш даркор;

Тўртинчи – қариялар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича тасдиқланган дастурни амалга ошириш алоҳида назоратга олиниши керак. Ҳар бир итмиёт ва ижтимоий ҳимоя чораси ўз эгасига етиб бориши даркор;

Бешинчи – Бош вазирнинг биринчи ўринбосари О.Раматов билан биргаликда экология соҳасидаги ишлар аҳолини яхшилаш, энг аввало, жойларда чиқиндилар билан ишлаш соҳасида давлат назоратини кучайтириш бўйича таклифларни яқин вақт ичида тақдим этиш зарур;

Олтинчи – сиз ва шахсан маданият ва спорт ишлари вазирлиги Б.Аҳмедовнинг эътиборини жисмоний тарбия ва спорт соҳасида яратилган қудратли базадан самарали фойдаланиш зарурлигига қаратаман.

“Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақалари билан чегараланиб қолиш керак эмас. Иқтидорли ўсмир ва қизларни танлаб олиш ва тарбиялаш бўйича жиддий селекция ишларини амалга ошириш зарур.

Таъкидлаш керакки, вазир Б.Аҳмедовнинг бугунги мажлисимизга тайёрланган келган жонсиз ҳисоботи ҳеч қандай танқидга чидамайди. Бу ҳисоботда на таҳлил, на аниқ таклиф бор. Афтидан, айнан шунинг учун ҳам сизнинг маданиятни ривожлантириш соҳасидаги ишларингиз асосан юбилей тадбирларини ўтказиш билан чекланиб қоляпти. Сиз ҳам, ўринбосарларингиз ҳам бу соҳага янгича мазмун киритиб, вазиятни тубдан яхшилашга ҳаракат қилмайсизлар. Қадрли дўстлар!

Ҳаётнинг ўзи ва ўтган йиллар тажрибаси ҳудудларни комплекс ривожлантиришни ва инфратузилма фаолиятини тубдан ўзгартиришни таъминлашдаги жиддий камчиликларни бартараф этишни талаб қилмоқда. Шу сабабли Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари раҳбарлик қиладиган янги комплекс ва департамент ташкил этилди. Уларнинг бош вазирга қўйидаги икки йўналиш бўйича барқарор ишлайдиган тизимни ташкил этишдир:

риш юзасидан ҳокимлик ва тармоқларни бошқариш органларининг куч ва ҳаракатини аниқ мувофиқлаштириш. Мақсад – иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги, энг муҳими, одамларнинг ҳаёт даражасидаги жиддий тафовутни бартараф этишдир;

Иккинчи – йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича дастурларнинг прогност параметрларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назорат қилиш ҳамда уларга эришиш.

Яқиний мақсад – иқтисодиёт тармоқлари учун ишончли инфратузилмани шакллантириш, шаҳар ва қишлоқ аҳолисига қулай шарт-шароит яратиш беришдир.
О.Раматовнинг эътиборини шахсан ундан ва иккита департаментдан талаб этиладиган қуйидаги вазифаларга қаратаман:

Биринчидан, комплекс таркибига кирадиган барча идораларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш. **Палапартиш таклифларни бериш ва шохша-шошарлик билан қарорлар қабул қилиш керак эмас.** Яқинда шу сабабларга кўра Оролбўйи муаммоларини ҳал этиш бўйича комплекс дастурни қайтаришга мажбур бўдим. Бу каби хатоликлар такрорланмаслиги шарт;

Иккинчидан, 14 та ҳудудда сайловчилар билан учрашувда кўтарилган йирик муаммолар масалаларни ҳал этишга доир қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни яқин вақт ичида яқунлаш ва тақдим этиш зарур;

Учинчидан, 2017-2021 йилларга мўлжалланган 12 та ижтимоий ва инфратузилма дастурини амалда бажариш. Шундан 8 та дастур тасдиқланган. Яқин вақт ичида транспорт ва савдо хизматини яхшилаш, автомобиль йўлларини ва ичимлик сув таъминоти тизимини реконструкция қилиш бўйича ҳужжатлар тўпланини қайта ишлаб чиқиш, тақдим этиш керак.

Кун тартибидан Уй-жой ва коммунал хизмат вазирлигини ташкил этиш масаласи ҳам турибди. Ана шу лойиҳаларни тасдиқлаш жараёни сиз томонингиздан асосиз равишда қўзғиб юборилди;

ТАНҚИДИЙ ТАҲДИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК – ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУНДАЛИК ҚОИДАСИ БЎЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси

(Боши 1-, 2-саҳифада)

Давлат маблағлари ва ресурслари талон-тароҳ қилинмоқда. Утган йили инспекциялар томонидан пудрат ишлари ҳажми 4 миллиард 700 миллион сўмга камайtirилган. 24 мингта лойиҳа экспертизадан ўтказилганида уларнинг нархи 1 триллион 500 миллиард сўмга камайtirилган.

Савол: бундай жиддий камчиликларни Б.Зокиров ва унинг биринчи ўринбосари А.Ўхтаев билмайдими? Нима сабабдан сиз иккитасини фақатгина айрим объеклар билан чеклаб, кўрсатилган муаммоларнинг ичига кириш ва уларни ечишга умуман эътибор бермайсиз?

Бугун тизини тубдан қайта ташкил этиш бўйича 20 кун муддатда аниқ таклифларни киритиш керак.

Бизни йўл қўрилишидаги ишлар аҳоли ҳам қониқтирмайди. Молия вазирлиги ва унинг йўл жамғармаси айби билан маблағларнинг кескин етишмаслиги доим сезилиб турибди. Битумни барқарор етказиб бериш масаласи ҳал этилмаган. Уйрқилиш тугамапти. Кадрлар кўнимсизлиги юқори.

Утган йили "Ўзкомунхизмат" агентлиги ва "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти раҳбариятини алмаштирдик. Бироқ бу ташкилотларнинг янги раҳбарлари – И.Маҳкамов ва Б.Зарипов зарур даражада ташаббус кўрсатмапти.

Умид қиламанки, О.Раматов ва бошқа раҳбарлар ўз ҳисоботида ана шу саволларга аниқ жавоб беришади. Шу йил бошида жорий қилинган ҳукумат аъзоларининг Президентга ҳисобот бериш тартиби доирасида бошқа раҳбарлар билан ҳам албатта учрашаман. Бунга барча раҳбар ходимлар ва ҳудудлар ҳокимлари пухта тайёргарлик кўришини сўрайман.

Жойлардаги аҳолининг жиддийлиги ва оғирлигидан келиб чиққан ҳолда, О.Раматовни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозинига тайинладик ва унга шу оғир улашқани топширдик. Шунинг учун Бош вазирнинг барча ўринбосарлари, ҳокимлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ўз савий-ҳаракатини бирлаштириб, унга ердан бўлиб фаол қўмак бермаса, кўтилган натижага эришиш кийин бўлади.

Агар жойларда инфратузилма ва ижтимоий объектларда ўта ачинарли аҳволга дуч келсангиз, мавжуд ҳолати улардан кўра яхшироқ бўлган объектлар ўрнига ана шу ёмон аҳволдаги объектларни киритиш йўли билан, О.Раматов, сизга тасдиқланган манзилли дастурларга ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади. Бунга барча раҳбарлар билиб олсин.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари! Барчамиз сўзсиз тушунмасиз, иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларни муваффақиятли амалга ошириш энг аввало иқтисодий ва молиявий органларнинг фаолияти самарадорлигига боғлиқдир. Улар яқин ва узоқ истиқболда мўлжалланган, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга доир стратегия вазифаларни нафақат ишлаб чиқиши, балки амалга оширишини таъминлаш зарур.

Бундан бир неча йил олдин ҳукумат мажлисида Иқтисодиёт вазирлиги ва унинг собиқ раҳбари Р.Ғулмоновнинг фаолияти қаттиқ танқид қилинган эди. Иқтисодиёт вазирлиги мамлакатимиздаги бошқа вазирлик ва идоралар учун ҳаракатлантирувчи куч, яъни локомотив вазифасини бажара олмаётгани таъкидланган эди. Афсуски, бугун очик айтиш керак, ана шу вазифа ҳалигача бажарилмади.

Аниқ далил ва муаммоларга мурожаат қиламан –

Биринчи – ислохотларнинг қай даражада самара бераётганини кўрсатадиган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижадорлиги. Булар қаторида санаот ва бошқа тармоқларни ривожлантиришнинг куйидаги иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини келтириш мумкин: ишлаб чиқариш қувватларининг аҳоли, ҳаражатларни ва таннархни пайсатириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражасини, махсус рақобатдошлигини сўзсиз ошириш.

Тармоқлар бўйича таннарх ўртача 10 фоизга қисқартирилган бўлса-да, кимё ва энгил санаот, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ва бошқа бир қатор тармоқларнинг айрим махсуслотлари қимматлиги сабабли ташқи бозорларда рақобатдош бўла олмапти. Айрим корхоналар зарар билан ишламоқда.

Маҳаллийлаштириш дастурини

шакллантиришнинг аввалги усуллари эскирди. Экспортни прогноз қилиш билан бирга, импортни пухта ва синхронлаб прогноз қилмаслигимизни қандай тушуниш мумкин?

Фақат ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган қарийб 400 миллион долларлик махсуслот четдан импорт қилинган. Айниқса, "Ўзбекэнерго", "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамиятлари, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, "Ўзфарисаноат" концерни бунга берилиб кетган.

Энди, ҳурматли Галина Каримовна, бундан кейин ҳар ой, ҳар чорак янги билан, мавжуд аҳволни чуқур таҳлил қилган ҳолда, таннархни ва импортни қисқартириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш бўйича ҳўжалик бирлашмалари ва ҳокимликлар томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Президентга шахсан маълумот кирита-сиз.

Бу маълумотномада чуқур таҳлил, қўрилаётган ёки қўрилмаётган чоралар ёритилиши, шунингдек, аниқ таклифлар берилиши керак. Айрим раҳбарларнинг чидирмасига ўйнаш даври ўтди энди. Шу асосда ҳар ойда бир марта Президент раҳбарлигида селектор йиғилиши ўтказилади ва тегишлича баҳо берилади.

Ўз вақтида, Галина Каримовна, шахсан сиз ва жаноб Э.Ғаниев эркин иқтисодий зоналар ташкил этишни таклиф этган эдингиз. Бу – яхши ташаббус, лекин у охиригача аниқ ҳаракатлар билан мустаҳкамламади.

Исбот тариқасида "Навоий" эркин иқтисодий зонаси бўйича маълумотларни келтираман. Утган 8 йил мобайнида бу ерда атиги 24 та лойиҳа амалга оширилиб, уларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши жуда паст ва атиги 900 та одам ишга жойлаштирилган. Утган йили эса махсуслот ишлаб чиқариш ҳажми 24 фоизга пасайган.

Принципал жиҳатдан янги асосларда "Ургут", "Ғиждунов", "Қўқон" ва "Ҳазораст" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш бўйича кўни кеча Фармон қабул қилинди. Утган йиллардаги хатоларни яна такрорлашга энди йўл қўйиб бўлмайди.

Бундан деярли 10 йил олдин Иқтисодиёт вазирлигининг собиқ раҳбарияти мева-сабзавот балансини ишлаб чиқмаслиқни ва тасдиқламаслиқни қатъий таклиф этган эди. Бу нимага олиб келиши мумкинлигини, энг аввало, ички истеъмол бозорига таъсири қандай бўлишини биз бугун бошқалар мисолида кўриб турибмиз. Бунинг устига, валюта балансининг муҳим тушум нанбандан ажралган бўлар эдик.

Хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар қандай аҳволда экани танқидий таҳлил-ни талаб этади. Бундай инвестицияларнинг улуши 30 фоизга тушиб қолган.

Халқаро молия институтларининг кредитлари, айниқса, лойиҳалар буюртмачилари бўлмиш Республика йўл жамғармаси ва "Ўзкомунхизмат" агентлиги томонидан самарасиз ишлатилмоқда. Чунки уларнинг фаолиятида тизим, назорат ва масъулият йўқ.

Лойиҳаларни экспертиза қилиш ва тендерларни ўтказиш бюрократлашиб кетгани энг асосий тўсиқлардан бири ҳисобланади. Лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланлишини экспертиза қилиш агентлиги ташкил этилганидан кейин ҳам сезиларли ўзгариш ва натижалар йўқ. Агентлик раҳбари Ш.Ҳошимовда таъаббус етишмайди.

Ушбу масалага доир ҳукуматнинг 110-қарори ишлагандан, таъбир жоиз бўлса, жойида тошдек қотиб қолган ва ўн йилдан буён қайта кўриб чиқилгани йўқ. Бундан экспертиза органларининг айрим қўли эгри раҳбарлари ва мутахассислари усталик билан нопоқ мақсадларда фойдаланмоқда.

Сиздан, Галина Каримовна, 15 кун муддатда ушбу қарорга ўзгартиш киритиш бўйича таклиф киритишни сўрайман.

Маҳаллий ҳокимларнинг айби билан мамлакатимиз ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб этиш ўта қоникарсиз аҳволда қолмоқда.

Биргина мисол келтираман. Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё вилоятларида атиги 18 та лойиҳани амалга оширишга 55 миллион доллар ёки ҳар бир лойиҳага ўртача 3 миллион доллардан хорижий инвестиция жалб этилган.

Ана шу ҳудудларнинг санаоти ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича мамлакат Президенти томонидан тасдиқланган махсус дастурлар амалга

Барчамиз сўзсиз тушунмиз, иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларни муваффақиятли амалга ошириш энг аввало иқтисодий ва молиявий органларнинг фаолияти самарадорлигига боғлиқдир.

оширилаётган бир шароитда бу албатта етарли эмас.

Шунинг учун вилоят ҳокимлари ҳар чорак якунига кўра тижорат банклари билан биргаликда хорижий инвестицияларни олиб кириш бўйича ишларнинг қандай аҳволда экани тўғрисида шахсан Президентга ахборотнома киритади. Бунга Давлат маслаҳатчиси У.Исмоилов алоҳида назоратга олсин.

Юқорида зикр этилган масалаларнинг барчаси Иқтисодиёт вазирлиги ва унинг раҳбарияти вазифасига кирмайди.

"Биз ишлаб чиқдик ва тасдиқладик, энди сизлар амалга ошириш ва натижа учун жавоб беришга мажбурсиз" деган кайфият билан яшаб, уни одат қилиб олиш мумкин эмас. "Бизнинг қароримиз – энг юқори босқичдаги ҳақиқат ва қонун" деган яроқсиз, қўштирноқ ичидаги "принцип"га асоссиз равишда таяниш ва амал қилиш мумкин эмас.

Шу муносабат билан Бош вазир А.Ариповдан вазирлиқнинг бугун тизини қайта ташкил этишни таъминлайдиган ҳужжатлар тўпланини ишлаб чиқишни ва тақдим этишни тезлаштиришни сўрайман. Бунда унинг тарихий тузилмасига ҳокимликларнинг тугатилган йўлга бошқармалари ва иқтисодиёт бўлиmlарини киритишни назарда тутиш керак.

Бирок, энг асосийси – Иқтисодиёт вазирлигининг вазифа ва функцияларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бунда ушбу ташкилотнинг энг муҳим вазифаси сифатида вазирлик, унинг раҳбарияти, жумладан, шахсан вазирнинг яқини натижалар, шунингдек, таклиф этилаётган концепциялар, дастурлар ва улар бўйича қабул қилинган қарорларнинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари учун жавобгарлиги белгиланиши лозим". **Ҳукумат ушбу тақдирнинг ҳуқуқий асосларини Қонунчилик палатаси ва Сенат билан бирга пухта ўрганиб чиқсин.**

Солиқ-бюджет сийёсатида қатъий амал қилиш, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини бажариш, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ҳажми, йиррик инвестиция лойиҳалари ва мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашни молиялаштириш – ушбу энг муҳим вазифаларни амалга ошириш, аввало, Молия вазирлиги ва шахсан вазирнинг фаолияти самарадорлиги билан белгиланади.

Мажлисимиз иштирокчиларга мурожаат қилар эканман, қуйидаги саволларни беришни зарур, деб ҳисоблайман. Ушбу масалалар қай даражада самарали ҳал этилмоқда?

Нима сабабдан Молия вазирлигининг низоми 1992 йилда тасдиқланган бўлса-да, 25 йилдан буён асосий вазифа ва функциялари тубдан қайта кўриб чиқилмаган? Ахир, испохотлар вазирлик ва унинг раҳбарлигига тааллуқли эмасми? Нима сабабдан вазирлик ўзига юқлатилган энг муҳим вазифаларни самарали бажаришини, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашни таъминламаяпти? Ахир, вазирлик таркибиде 16 мингдан ортиқ ходим ишлайди, ҳаддан ташқари кенгайиб кетган марказий аппарат, ҳудудий органлар, Ғазначилик, Назорат-тафтиш бошқармаси, Пенсия жамғармаси ва яна 4 та махсус жамғарма мавжуд. Уларни саклаш учун бюджетдан ҳар йили 350 миллиард сўм харажат қилинади.

Энг муҳим дастурлар, лойиҳа ва вазифалар бўйича қабул қилинган айрим қарорлар ёки умуман реал молиялаштириш манбалари билан таъминланмаган, ёки қолдиқ принципи бўйича молия-ташаббус етишмайди.

Жами 18 триллион сўмлик дебитор қарздорликдан 11 триллион сўми ёки 60 фоизи охириги 3 йил мобайнида қўзилиб келмапти.

Нима учун ушбу муаммо билан Муддати ўтган қарздорликни қисқартириш комиссиясига бошчилик қиладиган молия вазирлиги ва Марказий банк раиси жиддий шуғулланмаяпти?

Нима сабабдан пластик карточкаларни муомалага киритишдан илгари барча механизмлар пухта ишлаб чиқилмаган? Нима учун кўплаб ташкилотлар, энг аввало, бюджет ташкилотлари ходимлари – ўқитувчилар, врачлар, хизматчилар ва ҳатто пенсионерлар, айрим амалдорларнинг қўштирноқ ичидаги "янгилик"ларидан қийналиши керак?

Албатта, Давлат бюджети ўлчовсиз эмас, маблағларни қаттиқ тежаш, белгиланган мақсад учун ва оқилона ишлатишни таъминлаш зарур. Бу – ҳаммага равшан ва рад

этиб бўлмайдиган ҳақиқат.

Шундай экан, нима учун Ғазначилик ва Назорат-тафтиш бошқармасининг аппаратлари ҳаддан ташқари кенгайиб кетган? Уларда жами 4 минг нафар ходим ишлайди ва уларнинг харажати йилга 90 миллиард сўм давлат маблағи сарфланади. Ана шу тузилмалар раҳбар ва ходимлари шундай тасаввур билан яшамокдаки, уларнинг вазифаси гўё фақатгина назорат қилиш ва бошқаларни жазаолошдир.

Лекин фақат қамчи ва қилич билан ижобий натижаларга эришиб бўладими? Бу – нафақат хато фикр, балки чуқур аниқлик, деб ҳисоблайман. Бу борада профилактика ишларини ким самарали олиб боради?

Утган йилнинг ўзида 22 мингта ташкилотда жами 200 миллиард сўмлик ўзлаштириш ва маблағларни бошқа мақсадлар учун сарфлаш ҳолатлари аниқланган. Уларнинг асосий қисми ижтимоий соҳа ташкилотларига тўғри келади. Ана шу камчиликларни бартараф этиш тегишли вазирликлар раҳбарлари билан бирга молия вазирлигининг биринчи ўринбосари этиб тайинланган Ж.Қўқоровнинг фаол иш йўналиши бўлиб қолиши керак.

Хисоб палатаси (К.Акмаловдан бир ой муддатда Давлат бюджетни маблағларнинг нафақат самарали ва мақсадли ишлатилишини ҳар тарафлама ўрганишни, балки, биринчидан, раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги чоралари бўйича, иккинчидан, аллақачон вақти келган масалаларни ҳал этишга доир таклифларни киритишни сўрайман.

Молия вазирлиги, унинг таркибий тузилмалари ва аппаратининг иш юритиш шакли ва усулларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ҳукуматнинг аксарият топшириқлари белгиланган муддатларни кўпюл равишда бузган ҳолда бажаришмоқда, иш сифати ҳам аксарият ҳолатларда оқсамокда. Шунга қарамаздан, бу тузилмалар раҳбарларининг ўзига бўлган ишончи осмон қадар баланд.

Нима учун бошқа идоралар раҳбарлари давлатнинг аниқ муаммоларини ҳал этиш бўйича малакали тавсия олиш ўрнига, доимо қўғозбозлик ва сансалорлик ҳолатлари, шунингдек, айрим вазир ўринбосарларининг баланд димоглиги ва қайсарлиги билан тўқнашиши керак?

Ниҳоят, нима сабабдан баъзан инсон кадр-қиммати ерга урилади, бунга ким ҳуқуқ берган? Нима учун Бош вазир ўринбосари ёки ҳукумат аъзоси қабулхонада соатлаб кутиб ўтириши керак? Нима учун Вазирлар Маҳкамасининг тармоқ департаменти мудири жиддий масалалар бўйича юзак презентация ўтказилишини кўнлаб ва ҳафталаб кутди, кейин эса ҳўжаат қайта ишлашга қайтарилади? Ва нима сабабдан бу жараёнларнинг барчасини штатдаги ерданчи эмас, балки чаласавод ва беандиша қабулхона инспектори белгилайди?

Уйлайманки, ана шу оддий бўлмаган ва муҳим саволларга аниқ ва равшан жавоб топиш вақти келди. Шу муносабат билан Бош вазир А.Ариповга ва янги вазир Б.Ҳўжаевга бир ой муддатда Молия вазирлигининг ташкилий тузилмаси, унинг вазифа ва функцияларини тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича аниқ таклифлар киритиш топширилди.

Кадрлар билан ишлаш ҳолатини ҳам танқидий таҳлил қилиш зарур. Уйлайманки, молия органларининг бугун тизимдаги раҳбар ва ходимларни аттестациядан ўтказиш керак.

Ҳақиқий факт шундан иборатки, агар Р.Азимовда ана шу жиддий камчилик ва муаммоларни кўриш хоҳиши бўлганда, уларни кескин бартараф этиш бўйича у зарур ташаббус кўрсатганида, биз бугун иқтисодий ва молиявий соҳаларда бундан ҳам юқорироқ натижаларга эришган бўлар эдик.

Тарқор айтаман, фақатгина "ғалаба рапортлари" билан, шунингдек, муаммоларга умуман алоқаси йўқ, ўз орзу-истагидаги мавҳум нарсаларни ҳақиқат деб кўрсатадиган шахслар томонидан тайёрланган ахборотномалар билан чекла-ни қилиш мумкин эмас.

Ҳақиқат эса хизмат вазифангизга кўра сиз шахсан жавоб берадиган қуйидаги жиддий муаммоларда ўз аксини топан.

Биринчи – иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари ва инвестиция ресурсларига ўсиб бораётган талабни қаноатлантириш бир-бирига мувофиқ эмас.

Иккинчи – нақд ва нақдсиз шаклдаги хисоб-китобларда фарқ мавжудлиги.

Учинчи – ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетларнинг маблағлари етарли эмаслиги. **Сиз бу очик-ойдин фактларни инкор қилмайсиз, деб ўйлайман. Сиздан реал таклифларни кутаман.**

Макроиктисодиёт комплекси таркибига кирувчи бошқарув органларининг самарали ишлаши ва уларга раҳбарлик қилиш талаб даражасида таъминланма-япти. **Шу муносабат билан шахсан сизга қуйидагилар топширилади:**

Биринчи – Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ўзининг вазифа ва функцияларини самарали ва тўлиқ ҳажда бажаришми? **Унинг раҳбарлари Э.Ғаниев ва Ш.Тўпаганов-чи? Бу – принципиал савол. Ушбу вазирлиқнинг 163 та мутахассис ишлаган марказий аппарат ва ҳудудий бўлиmlарни нима билан машғул?**

Бош вазирга 10 кун ичида аллақачон ҳал этиш вақти келган ушбу саволлар бўйича таклифлар киритиш юқланади; **иккинчи** – Мехнат вазирлиги ва унинг раҳбари А.Абдуҳакимов фаолияти самарадорлигини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

Юртимизда йилга 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлса-да, утган йили Бандликка кўмаклашиш марказлари атиги 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштирган. **Бунинг асосий сабаблари иш фаолиятидаги эскирган шакл ва усуллар ҳамда бандлик муаммоларини ҳал этишдаги расмийлаштирилган боғлиқ.**

Айниқса, касб-ҳўнар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномаларни амалга ошириш борасида кўплаб қўшиб ёзиш ҳолатлари бартараф этилмаган.

Ана шу муаммоларга барҳам бериш бугун Макроиктисодиёт комплекси ва шахсан меҳнат вазирлигининг биринчи даражали вазифасига айланиши керак.

Сизга, Рустам Содикович, 15 кун муддатда ушбу ишга барча иқтисодий ва молиявий органлар, банк муассасалари ва ўрта махсус, касб-ҳўнар таълим марказининг ҳудудий бўлиmlарни ходимларини, шунингдек, барча бўлин-даги ҳокимлар ўринбосарларини жалб этишни назарда тутадиган, принципиал жиҳатдан янги, таъсирчан механизмни жорий этиш юзасидан аниқ таклифлар киритишни топшираман.

Аниқ бир мисол билан ушбу муаммони ҳал этишнинг реал йўлини айтмоқчиман. Андижон вилоятининг аҳоли зич жойлашган Олтинқўл туманида 7 та касб-ҳўнар коллежи бор, уларни бу йил турли мутахассисликлар бўйича 2 минг 300 нафар битирувчи тамомайди. Туман ҳудудида 714 та ҳўжалик юритувчи субъект, жумладан, санаотда – 371 та субъект, қурилишда – 167 та субъект, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида – 156 та субъект ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатади.

Тумандаги ҳар бир ҳўжалик субъектига ўртача 3 нафар битирувчи тўғри келади.

Туманда бюджетдан ойлик оладиган иқтисодий комплекс ташкилотларидаги жами 400 нафар ходим ушбу корхоналарнинг самарали ишлашига амалий ёрдам берса, масалан, кимгадир кредит, яна кимга хомашё ёки малакали маблағ билан кўмаклаша, бу ишни бемалол бажарса бўлганда. Агар ана шу 400 нафар одам ойига биттадан иш ўрни ташкил этишга кўмаклаша, бир йилда 4 минг 800 та янги иш жойига эга бўлиш мумкин.

Бугуннинг ўзида ҳар бир битирувчининг аниқ бир ташкилотга бириктиришни таъминлаш билан бирга, унинг бўлажак иш жойи, иш ҳақи ва ижтимоий шароитларини аниқ белгилаш зарур.

Буларнинг барчасини ҳуқуқий ҳўжатлар билан мустаҳкамлаш ва энг асосийси, ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарининг нафақат мажбуриятини, балки шахсий масъулиятини ҳам белгилаш зарур.

Фақат шундай йўл билан биз давлатнинг ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари олдига мажбуриятини бажаришимиз мумкин. Худди шундай амалиётни республика олий таълим муассасалари битирувчилари бўйича ҳам ишлаб чиқиш ва жорий этиш даркор.

Навбатдаги муҳим вазифа – бу бандлик масаласини ҳал қилишнинг бугун тизинини тубдан ўзгартириш бўйича комплекс раҳбарияти, ҳокимлар ва уларнинг биринчи ўринбосарлари шахсий масъулиятини оширишдан иборат. Шу масала бўйича қуйидаги таклифларни киритаман.

Биринчидан, ҳокимлар янги иш ўрин-

лари яратиш юзасидан тасдиқланган кўрсаткичларни, ҳар ой якунига кўра бажарилишини таъминлаган тақдирда, уларнинг иш ҳақида 15 фоиз қўшимча қўшиш билан рағбатлантирилади. Ана шу кўрсаткичлар бажарилиши таъминланмаса, аксинча, уларнинг иш ҳақидан 15 фоиз ушлаб қолинади.

Иккинчидан, мажур йўналиш учун бевосита жавоб берадиган ҳокимларнинг биринчи ўринбосарлари ҳам шунга мос равишда иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида ё рағбатлантирилади, ё жазоланади. Бу тартиб вилоят, туман ва шаҳарларнинг иқтисодий комплекслари барча раҳбарларига нисбатан ҳам қўланади.

Шунинг учун Бош вазир А.Ариповга, Бош вазир ўринбосари Р.Азимовга 15 кунлик муддатда иш жойлари ташкил этишни моддий рағбатлантиришга доир таклиф этилаётган ушбу тизимни шу йилнинг 1 мартидан бошлаб амалиётга жорий этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг пухта ишланган қарорини қабул қилишни топшираман.

Учинчи – биз бугун Давлат рақобат қўмитасининг раиси Д.Хидоятовдан шахсан сиз ва қўмитанинг бўлиmlарни хусусийлаштириш жараёнида пировард натижани нима учун назорат қилмайсиз ёки таъминламайсиз, деган саволга жавоб беришни қатъий талаб қилишга ҳақлимиз.

Сиз нима учун ушбу муаммоларни амалда ҳал этиш ўрнига янги ўзингизнинг ҳеч қандай натижа бермаган ва бермайдиган хорижий хизмат сафарларингиз ва "таклимот"ларингиз тўғрисида оғиз қўйириштириб ахборот берасиз?

Бугун давлат бюджети ҳисобидан катта маблағларни харажат қилиб, хорижа х

ТАНҚИДИЙ ТАҲДИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАҲСИЙ ЖАВОБГАРЛИК – ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУНДАЛИК ҚОИДАСИ БЎЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирилар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси

(Боши 1-, 2, 3-саҳифада)

Бу чоралар туризмнинг Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига қўшадиган ҳиссасини ошириш, тарихий ва маданий қадриятларимизни тарғиб қилиш, шунингдек, валюта захираларини тўлдириш бўйича аниқ чора-тадбирлар билан кўчайтирилиши зарур. Бу вазифани ҳал қилиш учун 1 ой муддат берилди.

Ушбу муаммолар кўп ҳиҷатдан вазириликлар, ҳўжалик бирлашмалари ва ҳоқимликларнинг иқтисодий тузилмалари билан тизимли ишлар йўлга қўйилмагани натижадир.

Ахир, қачондир ва кимдир туроператорларнинг дардини эшитганим? Улар қандай масалалар билан шуғулланипти, қандай муаммоларга тўқнаш келяпти? Уларга аниқ профессионал ёрдам қўрсатиш ҳақинда умуман гапирмас экан бўлади.

Тақдим этилган ҳисоботларда зарур саволларга умуман жавоб йўқ. Биринчи – қанча одам меҳнат қилапти? Иккинчи – ҳудудларда ислохотларни амалга ошириш бўйича муаммолар билан ким шуғулланипти: менежерни ёки иқтисодиётдан умуман узоқ одамларни? Яна бир бор комплекс раҳбарига ушбу муаммо билан яқиндан шуғулланишни топшираман. Фақат энди талаб қаттиқ бўлади.

Комплекс раҳбари Р.Азимов, тегишли тузилма ва ҳоқимликларнинг жиддий ва қундалик эътиборини талаб қиладиган яна бир муҳим йўналиш бор. Бу – ҳўсий мулк ва тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уларнинг таъсирчан ҳимоясини таъминлашдир.

Тадбиркорлар билан шахсан учрашишга сизларга нима ҳалақит беради? Албатта, бу учрашувларда сизларга ёқмайдиغان саволлар берилиши табиий. Тадбиркорлар билан бўлиб ўтган учрашувларда шахсан ўзим шунга қаттиқ ишонч ҳосил қилдимки, бундай саволларни беришга уларнинг тўлиқ ва қонуний ҳўқуқи бор.

Бу ҳўқуқни улар турли маълумотнома, руҳсатнома ва сертификатлар, кредит олишда неча кунлар навбатда туриш, қонуноний текширувлар, бой берилган иқтисодий ва молиявий фойда ҳисобидан қўлга киритган. Шу билан бирга, тадбиркорларнинг кўпчилиги ҳақиқий фуқаролик позициясида туриб, етим болалар ва ночор оилаларга, маҳаллалар ва ижтимоий соҳа муассасаларига бегарас ёрдам бермоқда.

Бунинг эвазига улар нима оляпти? Биринчиси – фақат кўрқув, яна текширишча ва сиқувага олишни бошлашди, эркин меҳнат қилишга, оилани, бола-чақани боқишга яна имконият бермайдиган деган кўрқув. Шу сабабли улар ўз ишида камчилиги ва қонунобузарлик ҳолати бўлмаса ҳам турли даражадаги амалдорлар билан “келишиб олишга” мажбур бўлмоқда.

Уйлайманки, буларнинг барчасидан сиз, Рустам Содиқович, танқидий ҳўлоса чиқарасиз ва жорий йил якуни бўйича ҳўкумат мажлисида реал натижалар билан ҳисобот берасиз.

Ҳўрматли дўстлар! 2016 йилда қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни янада чўқурлаштириш бўйича тизимли ишлар давом эттирилди.

Шу билан бирга, 2016 йил учун белгиланган прогност қўрсаткичлар ва устувор вазибаларни бажаришнинг таъминламаган айрим раҳбарларга бугун ҳўкумат мажлисида алоҳида баҳо беришни зарур, деб ҳисоблайман.

Биринчи – бу ер майдонларини оптималлаштиришдаги камчиликлари. Тошкент, Наманган, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бу жараён талаб даражасида ўтказилмаган.

Халқ депутатлари туман Кенгашилари томонидан фермер ҳўжаликларини ташкил этиш бўйича номзодлар танлашда жиддий хатоларга йўл қўйилган.

Иккинчи – айрим фермер ҳўжаликлари етарлича айланма маблағлар, зарур техника ва бошқа моддий-техник ресурсларга эга эмас. Бу қишлоқ ҳўжалиги экинларининг ҳосилдорлигига, шартнома мажбуриятлари бажарилишига ва фермер ҳўжалиklarнинг рентабеллигига салбий таъсир қўрсатмоқда.

Учинчи – ишлар етарли даражада ташкил этилмагани ва айрим раҳбарларнинг, жумладан, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах ва Бўҳоро вилоятлари собиқ ҳоқимларининг шахсий маъсулиятсизлиги сабабли бир қатор туманлар ва фермер ҳўжалиklarда қўтилган даражада пахта ҳосили олинмади. Қосонсой, Ангор, Музработ, Қизирик, Шеробод, Қўйичирик, Қўштепа туманларида пахта сотиш бўйича шартнома мажбуриятлари 60-65 фоиз даражасида қолиб кетган. Зарбдор, Пахтакор, Арнасой, Мирзаобод, Ховос, Сардоба, Гулистон, Чўст ва Бекобод туманларида давлат захираси учун галла етказиб бериш мажбуриятлари бажарилмаган.

Ана шу фактларнинг ҳар бири бўйича мажлис баёнида принципиал ва қатъий баҳо бериш зарур.

2017 йилда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилиги, компаниялар ва бошқа идоралар, шунингдек, барча бўғиндаги ҳоқимликлар қўйидаги стратегик муҳим вазибаларни амалга ошириши шарт:

Биринчи – экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ва ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш;

Иккинчи – фермер ҳўжалиklarининг молиявий-иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш. Охириги 10 йил мубоийида минерал ўғитлар, ёқилги-мойлалар материаллари ва уруғлик нархининг ўсиши билан пахта ҳошмәси ва галлани харид қилиш нархлари ўсиши ўртасида ҳақин фарқ борлиги кузатишмоқда;

Учинчи – ўтган йилларда Молия вазирилиги ва унинг ҳўзуридаги Жамғарма раҳбарияти томонидан шакллантирилган, агротехника тадбирларини молиялаштиришда иқобий натижа бермаётган ва мулкдо чала тизимга барҳам бериш зарур.

Неча йилдан бери савол бераман: агарки қишлоқ ҳўжалиги маъсулиятсизларча ёндашув асосида молиялаштирилган бўлса, давлат хариди учун маҳсулотни қандай етиштириш мумкин? Бу саволга ҳалигача аниқ жавоб йўқ. Нима сабабдан?

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига қўра, Жамғарма томонидан фермер ҳўжалиklarига 300 миллиард сўм маблағ тўлаб берилмаган. Табиий савол турлида: агар фермер давлат олдида ўз мажбуриятини бажарган бўлса, нега давлат ва унинг баъзи бир раҳбар ҳодимлари бу масалага бегар ва бегўйибор муносабатда бўлмоқда? Ким бунга маъсул? Ким шахсан жавоб бериши зарур ва шарт?

Тўртинчи – охириги йилларда агросаноат комплексида ташкил этилган янги бошқарув органлари фаолиятидаги бир қатор муаммоларни бартараф этиш юзасидан қатъий чоралар кўришимиз зарур.

Энг аввало, бу ўринда гап “Ўзпахта-саноатэкспорт” компанияси (А.Қамоллов) ва унинг таркибига кирувчи “Ўзпахтасаноат” (Я.Хидиров), “Ўзпахтаэкспорт” (Ж.Қодиров) ва “Ўзпахтагас” (В.Жўраев) акциядорлик жамиятлари тўғрисида борапти.

Ушбу тармоқларни модернизация қилиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, жумладан, пахта ҳошмәсини қайта ишлаш бўйича марказларни ташкил этиш бўйича ишлар ўта қонқарсиз йўлга қўйилган.

“Ўзбекосиқовкат-ҳолдинг” компанияси раҳбарлари О.Рустамов ва А.Салимовга саволлар тўпгани қолмоқда. Мева-сабзавотни қайта ишлаш даражаси 20 фоизга ҳам етмайди. Янги технология ва стандартлар ўта сустқашлик билан жорий этилмоқда.

Қўшма корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми кескин пасайган. Ана шу раҳбарларга нисбатан вақт ва ишонч захираси тез вақт ичида ниҳоясига етди. Улар бундан ҳўлоса чиқариши зарур.

“Ўзбекенилсаноат” акциядорлик жамияти раҳбари И.Ҳайдаров, “Ўзвирсаноат-ҳолдинг” – Ш.Раҳимов ва “Ўзбек-чармпоёбазали” уюшмаси – М.Мансуров фаолиятида замонавий ёндашув ва янгиликлар сезилмапти.

Аниқ фактларни келтираман. Экспорт таркибида ип-калаванинг улushi юқорилигича – 53 фоиз даражасида қолмоқда. Аҳолининг поёабзалга бўлган эҳтиёжини қондириш даражаси 41 фоизга ташкил этади. Узум етиштирадиган, вино ва ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иқтисослашган қўллаб корхоналар самарасиз ишлайпти.

Ана шу устувор вазибаларни амалга ошириш Бош вазири ўринбосари – қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири З.Мирзаев учун биринчи ва жиддий имтиҳон бўлади.

Сиздан яқин вақт ичида уларни бажаришни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни белгилаб, ахборот беришингизни сўрайман.

Ҳўрматли мажлис иштирокчилари! Бугун Бош вазири ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитаси расми Т.Норбоевадан кен-киртириб бўлмайдиغان қўйидаги вазибалар бўйича жавоб беришни ва уларни амалда ҳал этиш юзасидан аниқ тақлифларни қутаниш.

Биринчи вазиба – биз учун муқаллас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, ҳонадонларда тинчлик-ҳотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳўрмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ маъмуни билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур.

Иккинчи вазиба – аёллар ўртасида жиноятчилик, оилаларда ажралишлар қўпайгани, ешларнинг турли диний-экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотлар таъсирига тушиши каби халқимизга ҳос бўлмаган аччиқ ва ноҳўш масалалар билан боғлиқ.

Учинчи вазиба – аёлларни уларга му-

носиб меҳнат билан бандлигини таъминлаш масаласидир. Аёллар учун доимий иш жойлари яратиш борасидаги муҳим масала билан бир қаторда, оилавий бизнес, қасаначчилик, хўнарманчилик, томорқа ҳўжалигини кенг ривожлантириш ишлари ҳам оқсоқмоқда.

Бу ўринда расмиятчиликка, қоғозбозликка, ҳатто кўзбўямаччиликка берилиш ҳолатлари ҳам кам эмас ва бу ҳақда қўллаб ҳаққоний мисолларни келтириш мумкин. Савол туғилади: кимни ва нима учун алдаяптимиз?

Шунинг учун Бош вазири ўринбосари Т.Норбоева бошчилигида Хотин-қизлар қўмитаси, Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши, “Нуроний”, “Маҳалла”, “Қамолот” тузилмалари, Дин ишлари бўйича қўми, Савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари раҳбар ва мутасаддиларидан иборат ишчи гуруҳлари ташкил этилсин.

Ушбу гуруҳлар жорий йилнинг 20 январидан бошлаб Андиқон, Фарғона ва Наманган вилоятларида бориб, уч ой давомида қўчама-қўча, ҳонадонма-ҳонадон юриб, мавжуд вазиятни чуқур ва пухта ўрганади, таҳлил қилади ва жойлардаги оддий оилалардан, қўлни қўрган отахон ва онахонларимиздан ҳам тақлифлар олади.

Бош вазири А.Ариповдан Давлат мажлисоти О.Муродов билан биргаликда, ана шундай ўрганишлар натижалари ва аччиқ сабоқлари асосида мавжуд муаммо ва масалаларнинг ҳал ҳўқуқий, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маънавий-маърифий, ҳам ташкилий томондан ечимини ўзида акс эттирган Президент қарори лойиҳаси ва аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш, 20 апрелга тақдирлаш учун киритишни сўрайман.

Ҳўрматли мажлис иштирокчилари! Аввалги учрашувларда таълим ва илм-фан, давлатнинг ешларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усулларини, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш юзасидаги ишлар аҳоли танқидий таҳлил қилиб берилган эди.

Бу борадаги долзарб вазибаларни амалга ошириш ёшларимиз, жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келажаги учун стратегик аҳамиятга эга экани сабабли ушбу соҳадagi ишлар шахсан Бош вазирига юқатилган. Сизнинг эътиборингизни қўйидаги вазибаларни амалга оширишга қаратаман.

Биринчи вазиба – мактабча таълим соҳасида. Очик тан олишимиз керак, биз бу муҳим соҳадagi ишларни эътибордан четда қолдиридик. Ушбу соҳада болаларни қамраб олиш 27 фоизни ташкил этади.

Яқинда тақдирланган дастурга қўра, бу йўналишда 2 минг 200 та муассасанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Шунингдек, таъриблик педагог ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, ўқув режа ва дастурларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Олдимизда ешларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазибалар турибди.

Иккинчи вазиба – умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-хўнар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртиларидаги ўқитиш сифати билан боғлиқ. Замонавий ўқув режа ва услубларини жорий этиш талаб даражасида эмас.

Болалар ва ешларга махсус фанлар, мамлакатимиз ва жаҳон цивилизацияси тарихини, хорижий тилларни ва замонавий компьютер дастурларини чуқур ўргатиш вазибалари ҳали сифатли ва тўлиқ ҳолда ечилгани йўқ.

Яна бир муаммони ҳал этиш ҳам ўта муҳим ҳисобланади: бу – педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг махсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий қамолот масалалари ва ҳақиқий қадриятларни шакллантириш жараёнига фаол қўмақ берадиган муҳитни яратиш зарур.

Учинчи вазиба – таълим муассасаларини, энг аввало, касб-хўнар коллежларини оқилона жойлаштиришни, шунингдек, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳар бир ҳудуднинг зарур мутахассисларга бўлган талабини тўғри аниқлашни танқидий таҳлил қилишдир.

Ҳозирча ушбу механизм ишлаймапти. Тармоқлар раҳбарлари кадрларга эҳтиёж тўғрисидаги маълумотни Олий таълим вазирилиги ва Иқтисодиёт вазирилигига тақдим этишди. Кейин мутахассисларни тайёрлаш кваталари бўйича чуқур ўйланмаган тақлифлар ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида кадрлар сифати ва уларни ишга жойлаштириш муаммоси йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Афсуски, ҳеч ким бунинг учун жавобгар эмас. Нима сабабдан? Ахир, бу ўринда гап барчанимизнинг фарзандларимиз тўғрисида, ҳеч бир муболағасиз айтиш керакки, мамлакатимизнинг келажаги ҳақида келаяпти.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.Қосимовни оқолантириб айтмоқчиман. Сиз бу соҳада катта таърибага эга бўл-

ган ҳолда, нафақат ушбу камчиликларни бартараф этиш, балки туб ва сифатли ўзгаришларни таъминлаш учун ҳам шахсан жавоб берасиз. Олдинги йиллардаги хатоларни такрорлаш керак эмас.

Тўртинчи вазиба – нафақат академик илм-фани, балки олий ўқув юртиларидаги илм-фани янада ривожлантириш. Бунга Фанлар академияси аъзолари билан яқинда ўтказилган учрашув ва узоқ муддатли мулоқот давомида қатъий ишонч ҳосил қилдим.

Бу ўринда, меннинг назаримда, иккита асосий вазибани ҳал этиш зарур:

Биринчи – илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини илғор хорижий марказлар даражасида ва олимлар талабларига мувофиқ сезиларли равишда мустаҳкамлаш керак. Бунда, албатта, давлатнинг эҳтиёжлари ва унинг мақсадли вазибалари инобатга олиниши шарт;

Иккинчи – академикларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, моддий рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Сизга, Абдулла Нигматович, Фанлар академиясининг янги Президенти Б.Йўлдошев, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги ва бошқа идоралар билан биргаликда бир ой муддатда олимлар билан учрашувда берилган топшириқларни ижро этиш бўйича пухта ишланган чора-тадбирлар комплексини тақдим этиш топширилди.

Ешларнинг вазиба – китобларни чоп этиш ва тарқатишдаги муаммоларни ҳал қилишдир. Бу ўринда гап, энг аввало, ешлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихини, унинг бетакрор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш ҳақида бормоқда.

Бу борада замонавий компьютер технологиялари ва, айниқса, интернет тизими биздан анча илдамлаб кетганини ҳам инобатга олиш зарур.

Ана шу вазибани ҳал этишда турли дарсликларни яратиш, уларни чоп этиш ва молиялаштириш масалаларида идоралар ўртасидаги ўзаро келишмовчилик, афсуски, жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Шу муносабат билан, Бош вазирига алоҳида комиссия тузиб, бир ой муддатда дарсликлар, махсус ва бадий адабиётга бўлган реал эҳтиёжини, уларни бошқа тилларга таржима қилиш, улар билан ўқув юртилари, кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини тақдим этиш топширилди.

Бунда ешлар ва аҳолининг кенг қатламлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Китобларнинг ҳақиқий нархи шаклланишини жуда ҳам пухта ўрганиш зарур.

Шу ўринда ҳаммаимиз учун айни пайтда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ешларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазибаси турибди.

Ушбу масалаларни амалга ошириш учун биз кўни кеча алоҳида фармойиш ҳам қўлаб қилдик.

Бизнинг навбатдаги кечиктириб бўлмайдиغان ва истикболдаги вазибаниз – “Электрон ҳўкумат” тизими самарали ишлашини таъминлашдан иборат. Ҳозирча у тўлиқ ҳақимда ишлаймапти. Айрим идоралар эса бу тизимга ёки уланмаган, ёки очик айтадиган бўлса, уни нима қилиши ҳам билмайди.

2016 йилдаги айрим фактлардан ўзини ҳўлоса чиқариб олинг. Давлат хизматлари ягона порталига 534 минг фуқаро ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлардан 6 мингдан ортиғи ёки кўриб чиқилмаган, ёки уларга ўз вақтида жавоб берилмаган.

Рўйхатга олинган 4 мингдан ортик норматив-ҳўқуқий ҳужжатнинг атиги минта яқини тизимга жойлаштирилган. Туман ва шаҳарлар ҳоқимликларининг қўлида ушбу тизим самарасиз ишлатилмоқда.

Ҳатто технологик жараёнлари ва бошқариш тизимларини тақомиллаштиришга жиддий эҳтиёж бўлган йирик корхоналар, ташкилот ва ҳўжалик бирлашмалари ҳам ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда зарур ташаббус қўрсатмапти. Улар қаторида “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзданмаҳсулот” компаниялари, “Ўзфармасаноат” концерни, “Ўзбекчармпоёбазали” уюшмаси, “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти ҳам бор.

Ҳўрматли мажлис иштирокчилари! Ҳоқимларнинг маъкеи ва роли, уларнинг тумандаги, шаҳар ва вилоятдаги ишлар аҳоли учун шахсий жавобгарлиги Конституциямизда принципиал қоида сифатида белгилаб қўйилганини барчангиз яхши биласиз.

Биз ҳар доим уларнинг фаолияти натижаларига алоҳида эътибор қаратганимиз ва бундан кейин ҳам бу масала диққатимиз марказида бўлади.

Шуни инобатга олиб, яқинда барча бўғиндаги ҳоқимликларнинг тузилмасига принципиал ўзгаришлар киритилди. Бунга қандай зарурат бор эди?

Биринчидан, ҳудудларни, айниқса, қолақ шаҳар ва туманларни комплекс ривожлантиришга доир энг муҳим устувор вазибани амалга ошириш заруратидан келиб чиқилди.

Агар ҳудудларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган қўрсаткичларини солиштирсак, улар кун ва тунда бир-биридан фарқ қилади.

Иккинчидан, ҳудудий ва тармоқ бошқаруви самарасига, уларнинг ривожига ҳолис баҳо беришни қийинлаштирадиган ҳолатлар мавжуд. Масалан, республикага бўйсунадиган йирик корхоналар қўрсаткичини чиқариб ташласак, вилоятлар ялли ҳудудий маҳсулот ҳажми жуда кичик бўлиб қолади.

Бош вазири А.Ариповга бир ой муддатда ҳудуд ва тармоқлар қўрсаткичлари ҳисоби ва уларни статистикада акс эттириш механизмини тақомиллаштириш юзасидан қарор тайёрлаш ва қабул қилиш юқланади.

Масалан, Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатлари, нефть-газ ва кимё саноати корхоналарининг ҳудудларга бевосита алоқаси йўқ. Уларни ривожлантиришга эришишда ҳоқимликларнинг ҳеч қандай роли ва хизмати йўқлигини ҳаммамиз яхши билимиз.

Шунинг учун оқни – оққа, қорани – қорага ажратиш вақти ҳам келди. Шунда статистик рақамлар ҳам ҳақиқий ҳолатни акс эттиради.

Учинчидан, ҳоқимликларнинг тузилмасини ишлаб чиқишда тўплаган таъриба ҳамда бир қатор вилоятлар ҳоқимларининг тақлифлари ҳисобга олинди.

Тузилмага қўшимча равишда қўйидагилар киритилди. Барча вилоят, шаҳар ва туман ҳоқимликларида ҳоқимнинг иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари, шунингдек, ешлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимлари жорий этилди.

Ахборот-таҳлил гуруҳлари кучайтирилди. Чеғарага яқин 80 та туманда ҳоқимнинг махсус ёрдамчиси лавозими киритилди. Жами 739 та қўшимча штат ташкил этилди.

Яқинда ҳоқимлар ва ҳоқимликларнинг барча ҳодимлари иш ҳақини уларнинг меҳнат стажидан келиб чиққан ҳолда ошириш бўйича қарор қабул қилинди.

Уйлайманки, энди барча бўғиндаги ҳоқимларнинг ҳодимлар сони етишмаслиги тўғрисида шижоат қилиши учун объектив асос йўқ. Энди ушбу лавозимларга самарали ишни таъминлайдиган, муносиб кадрларни танлаш бўйича олдимизда муҳим вазиба турибди.

А.Арипов, О.Раматов ва Р.Азимовнинг эътиборини ҳоқимларнинг биринчи ўринбосари лавозимларига муносиб номзодларни тақдим этиш қўзи буюрилганига қаратаман.

Бирок, яна бир устувор вазиба бор. Бу – Бош вазирининг барча ўринбосарлари, департаментлар, тармоқларни бошқариш органлари раҳбарларининг ҳоқимлар ва уларнинг тегишли ўринбосарлари билан ўзаро яқин алоқаси ва фаолиятини мувофиқлаштириши таъминлашдир. Энди самарали ишлаш барча раҳбарлар учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Ҳўрматли мажлис иштирокчилари! 2017 йил ва ундан кейинги даврга белгиланган вазибаларни амалга ошириш учта энг муҳим талабга ҳал этувчи даражада боғлиқдир.

Биринчи – давлат раҳбари – Президентдан бошлаб барча бўғиндаги раҳбарларнинг яқуний натижалар учун шахсий жавобгарлиги.

Иккинчи – ҳамма соҳада аниқ тартиб ва қаттиқ интизомни таъминлашимиз даркор. Яна бир бор таъкидлайман, ишни биргаликда бажарамиз, натижа учун эса ҳар биримиз шахсан жавоб берамиз.

Учинчи талаб – қаторларимиз ва кадрларимизнинг софлигини таъминлаш, ишдаги ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бундай иллатларнинг илдизини қуритиш.

Айнан ана шу сабабларга қўра Б

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Боши 1-саҳифада)

Шу жумладан, “ЖМ Ўзбекистон” акциядорлик жамиятида “Т-250” моделдаги энгил автомобилларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, Жиззах вилоятида цемент заводи кенгайтирилди, Толлимаржон иссиқлик энергия станциясида қуввати 900 МВт бўлган буғ-газ қурилмалари ҳамда Ангрен иссиқлик энергия станциясида қуввати 150 МВт бўлган юқори қулли кўмирни ёқувчи энергия блоки ишга туширилди.

Фарғона водийси вилоятларини мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган, Қамчиқ тоғли довои орқали ўтувчи 19 километрлик ноёб туннельга эга бўлган электрлаштирилган янги Ангрен – Поп темир йўл линияси қурилди. Тошкент – Бухоро маршрути ва қарама-қарши йўналиш бўйича юқори тезлишли “Афросиёб” йўловчи ташувчи электропоездлар ҳаракати ташкил этилди.

Қишлоқ ҳўжалигини модернизация ва диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмларини 6,6 фоизга, жумладан, мева-сабзавот – 11,2 фоизга, картошка – 9,7 фоизга, сабзавот маҳсулотлари етиштириш 10,4 фоизга ўсишини таъминлади.

Хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши 2016 йилда 32 мингтага яқин ёки 2015 йилга нисбатан 18 фоизга кўп кичик бизнес субъектлари ташкил қилинишига туртки бўлди. Кичик бизнеснинг мамлакат ялли ички маҳсулотидоги ҳиссаси 56,9 фоизгача, саноатда эса 45 фоизгача ошди.

Ижобий тарқибий ўзгаришлар ва иқтисодийнинг юқори ўсиш суръатлари туфайли аҳолининг реал даромадлари 11 фоизга ошди. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 15 фоизга, пенсия ва ижтимоий нафақалар – 12,1 фоизга, аҳоли жон бошига реал даромадлар – 11 фоизга ўсди, 726 минг нафарга яқин аҳолининг, шу жумладан, 438,5 минг коллеж битирувчисининг бандлиги таъминланди.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида она ва боланинг саломатлигини муҳофаза қилишни кучайтириш, соғлом ва ҳар томонлама ривожланган авлоднинг шаклланиши бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси амалга оширилиб, уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 8 триллион сўм ва 212 миллион доллар маблағ йўналтирилди.

Мамлакат Президенти ўз маърузасида мавжуд ҳал бўлмаган муаммолар ва тўлиқ ишлатилмаган захираларни батафсил ва ҳар томонлама муҳокама қилган ҳолда 2017 йилдаги республиканинг иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим стратегик вазифалари ва устувор йўналишлари бўйича тақлиф киритди. Устувор вазифалар қаторида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурини амалга ошириш доирасида аҳоли билан доимий ва очиқ мулоқотни ривожлантиришга, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини, унинг моддий фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатни фаол давом эттириш масалалари марказий ўринни эгаллади.

Хўкумат, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдида тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришдаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда иқтисодийнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, фаол инвестиция сиёсатини давом эттириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ҳудудларни комплекс ва интенсив равишда ривожлантириш, тадбиркорликнинг ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, иқтисодийнинг бошқарилишидаги давлат ролини бошқирма-бошқич камайтириш ва унинг органлари ишини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Шаҳар ва қишлоқ жойларида аҳоли турмуш шaroитини яхшилашни таъминловчи арзон уй-жойларни қуриш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш борасида қабул қилинган янги мақсадли дастурларни амалга ошириш бўйича муҳим вазифа ва чоралар белгиланди.

Мажлисида кун тартибини муҳокама қилиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, қатор вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ҳисоботлари эшитилди.

Йўл қўйилган хатолар ва камчиликлар, ташаббуссизлик учун айрим раҳбарлар уларни бартараф этиш ҳамда республика иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларини янада жадал ривожлантириш бўйича ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали ижросини таъминлашда шахсан жавобгар эканликлари ҳақида оғохлантирилди.

Ўтказилган мажлис яқунлари бўйича мамлакат Президенти томонидан ҳўкумат, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ҳокимликлар раҳбарларини олдида қўйилган аниқ устувор вазифалар ва талаблар қўйилди:

Биринчи – 2017 йилги иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг ўн битта энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; иккинчи – иқтисодий тармоқлари, ижтимоий соҳа ва республика ҳудудларида ишларнинг ҳолатини тизимли танқидий таҳлил қилиш ва шу асосда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ҳамда устувор вазифаларига тегишли тузатишлар киритиш;

учинчи – яқуний иш натижалари, қаттиқ интизомга риоя қилиш ҳамда тобора ортиб бораётган замонавий талабларга мувофиқ бошқарув тизими самарадорлигини кучайтириш борасида раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини ошириш.

Муҳокама яқунлари бўйича республика ҳўкумати қарори қабул қилиниб, 2017 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланди.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Бухоро вилояти мусиқали драма театрида “Ўзбекистон — мустақил Ватанимиз, миллий армиямиз фахру гуруримиз!” мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди.



Тоира ИСМАИЛОВА (ЎА) оғани билан.

Унда юртимиз тинчлигини, халқимизнинг осуда ҳаёти, осмонимиз мусаффолигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган ҳарбийлар ҳамда уларнинг оила аъзолари, воҳадаги ҳарбий қисмларда йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар иштирок этди.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз раҳбарлигида миллий армиямизда амалга оширилган ислохотлар, қўлга киритилган ютуқлар, Қуролли

Кучларимизнинг бугунги салоҳияти, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун яратиб берилган шарт-шaroитлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтишди. Ватан ҳимояси, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юрт суратини тинчлик ва осойишталикнинг янада кўпроқ қадрига етишга қорлаши билан аҳамиятлидир.

– Ватан ҳимоячиси бўлиш аини кунда ҳар бир ёш йигитнинг қалбидоғи энг эзгу ниятга айланган, – дейди Бухоро давлат университети талабаси Бахтиёр Муҳидинов. – Бу каби тадбирлар ёшларни юртимизда ҳўқим суратган тинчлик ва осойишталикнинг янада кўпроқ қадрига етишга қорлаши билан аҳамиятлидир.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган бадий жамоалар, санъаткорлар ва ҳарбийлар томонидан Ватан ва тинчликни мадҳ этувчи куй-кўшиқлар қатнашчилар кўнглига байрамона кайфият улашди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ў.Барноев иштирок этди.

Ҳамроз АЛИ, “Qishloq hayoti” мухбири.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

«БАЙРАМИНГ МУБОРАҚ, АСКАР ЎҒЛИМ!»

Фарғонада Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 25 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб “Менинг ўғлим – Ватан ҳимоячиси” шиори остида видеомулоқот ўтказилди.

Тадбирда Қашқадарё вилоятида йигитлик бурчини ўтаётган фарғоналик аскарларнинг ота-оналари, яқинлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Унда ўз тақдиринингдек, юртимизда мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги, ҳудудий ахиллиги ҳамда барқарор таракқиётимизнинг ишончли қафолати бўлган миллий армия-

миз қудратини янада оширишга қаратилган доимий эътибор юксак самаралар бермоқда. Видеомулоқотда сўз олган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек шарафга эришган фарзандларини Ватан ҳимоячилари кунини байрами билан табриқладилар. Фарзандлари ютуқидан қувонган ота-оналар кўзида секин-секин ёшлар қалқиди.

– Байрамнинг муборақ, аскар ўғлим!, – дея сўз бошлади олдин аскар Паҳлавон Кабировнинг онаси фарғоналик Ҳамида опа. – Мен сеядек фарзандни воғая етказганимдан гоёт хурсандман. Эсон-омон йигитлик бурчинини муваффақиятли ўтаб қилишингиз кутамиз. Бугун аскарнинг, Ватан ҳимоячининг онаси, дея бизга юксак эҳтиром кўрсатилди. Бундай эътибордан бошимиз кўкка етди.

Видеомулоқот сўнггида тинчлик санъаткорлари ва бадий жамоалар ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Ҳамиджон БУҒОHOV, “Qishloq hayoti” мухбири.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ТИНЧЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Республикамизнинг барча жойларида бўлгани каби Сурхондарёда ҳам Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 25 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонланди.

Тадбир давомида Термиз шаҳридаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Асосий тантаналар “Ёшлар маркази”да давом этди. Унда Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбийлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

– Ҳарбийлик қон-қонимга сингиб кетган, – дейди майор Уктамжон Байзақов. – Бу касбнинг қанчалик

масъулиятли ва шарафли эканлигини ҳарбий хизматни ўтаган инсонлар яхши англашади. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан давлатимизнинг юксак муқофоти билан тақдирландим. Бундай эътибор менга улкан куч ва шижоат бахш этди.

Тадбирда вилоят ҳокими Э.Турдимов сўзга чиқиб, юртимизда ўтган давр мобайнида тизимда олиб бо-

рилган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, соҳа ходимлари учун яратилаётган шарт-шaroитлар хусусида тўхтади. Сўнгра хизматда намуна кўрсатган бир гуруҳ ҳарбийлар, ички ишлар идоралари, фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Шундан сўнгра ҳарбий оркестр ижросида Ватанини мадҳ этувчи куй-кўшиқлар ҳамда бадий дастурлар намойиш этилди.

Дилфуза ЖҲРАЕВА, “Qishloq hayoti” мухбири.

Қўтлов ва эълонлар

«ҚОРАҚАЛПОҚ ШАРОБ САВДО» база унитар корхонаси жамоаси

барча юртимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан қўтайтириш. Юртимиз тинчлиги, осойишталигини йўналиш астойишли мекнат қилаётган мард, жасур ҳарбийларимизга мустақкам соғаник, оилавий бахт тилайди. Ватани, халқини учун жонини фио қилишга ҳам тайёр бундай метин ироғали ўғлонларимиз билан ҳар қанча фахрлансақ арайди. Улар бор экан, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, туларимиз осуда, кўнгимиз хотиржамаир.



Эълонлар

«ЭКОСАН»

экология ва саломатлик халқроқ хайрия жамоат фонди

жорий йилда ўз Мақсадли дастури доирасида экологик номақбул чўл ва тоғ ҳудудларида жойлашган таълим ва тиббиёт муассасалари (КВП),

“Нуронийлар” масканлари, “Мурувват” ва “Саховат” уйларига мўқобил энергия манбалари (1000, 1500, 2000 Вт), куёшли фотоэлектрик станция (ФЭС) ва сув иситиш коллекторларини хайрия сифатида ўрнатиш бўйича мазкур фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.

Маълумот учун тел.: (+99871) 234-24-88 e-mail: info@ecosan.uz

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Гулистон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 25 йиллиги муносабати билан тантанали тадбир ташкил этилди.

ҲАРБИЙЛАРГА ЭСДАЛИК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ҳарбийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбир Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди. Шундан сўнгра Ёшлар марказида асосий тантаналар бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар барча йиғилиш қатнашчиларини, жумладан, ҳарбийларни Ватан ҳимоячилари кунини билан қўтлаб, Биринчи Президентимиз раҳнамолигида олиб борилган ислохотлар самарасида армиямиз жағоварлиги янада ошганлигини, Қуролли Кучларимиз энг замонавий техника воситалари билан таъминланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтти.

Тадбирда Қуролли Кучларимиз тизимида хизмат қилаётган бир гуруҳ ходимлар ва соҳа фахрийларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев-

нинг 2016 йил 28 ноябрдаги фармонида мувофиқ таъсис этилган “Ўзбекистон Қуролли Кучлари 25 йил” эсдалик нишонини билан тақдирланганидан жуда бахтиёрман, – дейди Тошкент ҳарбий округига қарашли Гулистон горнизони бошлиғи, полковник Мустафо Кенжаев. – Бу муқофот нафақат менинг, балки горнизонимизнинг барча ҳарбийлари хизматида берилган юксак баҳолидир.

Тадбир сўнггида концерт дастури намойиш этилди. Дилрабо куй ва кўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият бағишланди.

Бозорбой БЕКМУРОDOV, “Qishloq hayoti” мухбири.

«Elite Rieltor Savdo» МҲЖда 2016 йил 1 декабрдан 2016 йил 30 декабргача бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларининг яқунлари ҳақида ахборот

«Elite Rieltor Savdo» МҲЖ тизимида Наманган вилояти давлат мулк бошқармасининг буйруғига мувофиқ, сатихи 400 кв.м. (4-сонли) иборат яқна тўртбўйча уй-жой қуриш ер участкаларининг мерос қилиб қолдириш шартли билан умрбод эъали қилиш ҳўқуқи билан ер майдонларини очиқ аукцион савдоларида сотиш бўйича маълумот

2016 йил 19 декабрь кунини ўтказилган очиқ аукцион савдоларида Наманган вилояти Уйчи тумани ҳудудида жойлашган бошланғич баҳоси 1 400 000 сўмлик 7 та ер участкаси жами 21 000 000 сўмга сотилди. Ер участкаларининг умумий майдони 2800 кв.м.ни ташкил этди. Мингбўлак тумани ҳудудида жойлашган бошланғич баҳоси 282 000 сўмлик жами 1 дона ер участкаси жами 1 785 000 сўмга сотилди. Ер участкасининг умумий майдони 400 кв.м.ни ташкил этди.

2016 йил 26 декабрь кунини ўтказилган очиқ аукцион савдоларида Наманган вилояти Уйчи тумани ҳудудида жойлашган бошланғич баҳоси 1 000 000 сўмлик 5 та ер участкаси жами 33 200 000 сўмга сотилди. Ер участкаларининг умумий майдони 2000 кв.м.ни ташкил этди.

2016 йил 28 декабрь кунини ўтказилган очиқ аукцион савдоларида Наманган вилояти Наманган тумани “Самарқанд” ММТП ҳудудида жойлашган бошланғич баҳоси 38 500 000 сўмлик 77 дона ер участкаси жами 73 650 000 сўмга сотилди. Ер участкаларининг умумий майдони 30 800 кв.м.ни ташкил этди.

«Elite Rieltor Savdo» МҲЖ тизимида Наманган вилояти давлат мулк бошқармасининг буйруғига мувофиқ, қўчмас мулк объектларини очиқ аукцион савдоларида сотиш бўйича маълумот

2016 йил 12 декабрь кунини Косонсой тумани ҳокимлиги балансидаги Косонсой шаҳри “Обод” МФЙ ҳудудида жойлашган “Шодлик” оромгоҳи ёнги кинотеатрининг бино иншоотлари (умумий ер майдони – 426 кв.м., бино-иншоотлар қурилиш ости майдони – 50,34 кв.м., фойдали майдони – 34,1 кв.м., бошланғич баҳоси – 20 873 573 сўмлик объектлар) 50 500 000 сўмга сотилди.

2016 йил 12 декабрь кунини Косонсой тумани “Чунгош” врачлик пункти балансидаги бўш турган эски бино (умумий ер майдони – 155 кв.м., бино-иншоотлар қурилиш ости майдони – 154 кв.м., фойдали майдони – 119,32 кв.м., бошланғич баҳоси – 16 132 185 сўмлик объект) 22 500 000 сўмга сотилди.

2016 йил 20 декабрь кунини Чортоқ тумани Статистика бўлими балансидаги Янгикўрғон тумани “Нанай” ҚФЙ “Мамай” МФЙда жойлашган Дам олиш маскани бино иншоотлари (умумий ер майдони – 3413 кв.м., бино-иншоотлар қурилиш ости майдони – 177,13 кв.м., фойдали майдони – 164,89 кв.м., бошланғич баҳоси 23 472 221 сўмлик объект) 33 500 000 сўмга сотилди.

2016 йил 26 декабрь кунини Чўст тумани “Боғи зрам” МФЙда жойлашган 39-сонли мактабгача таълим муассасаси балансидаги “Қозонхона” бино ва иншоотлари (умумий ер майдони – 2683 кв.м., бино-иншоотлар қурилиш ости майдони – 243,64 кв.м., фойдали майдони – 168,80 кв.м., бошланғич баҳоси 85 220 000 сўмлик объектлар) 111 150 000 сўмга сотилди.

«ELITE RIELTOR SAVDO» МҲЖ. Лицензия RR-0086

Qishloq Qurilish Bank

АТБ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК»

Банк тизимида “Eset Nod32” антивирус дастури учун лицензия муддатини узайтириш бўйича танлов савдоларини эълон қилади.

Танлов предмети: “Eset Nod32” антивирус дастури учун лицензия муддатини узайтириш.

Тижорат таклифлари матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилинади.

Танлов комиссиясининг ишчи органи ном ва манзили: АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Банк хавфсизлиги бошқармаси.

Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18А-уй.

Телефон: (+99871) 150-76-85.

Электрон почта манзили: elyor@qbb.uz

Хизматлар лицензияланган.

Table with 2 columns containing registration information for various entities, including names, addresses, and registration numbers.

МУНОСАБАТ

ЯНГИЧА ҚАРАШ ФУРСАТИ ЕТДИ

Барча тиббиёт муассасаларида бўлгани каби Республика шовишлич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро вилояти филиали тиббиёт ходимлари томонидан ҳам Президентимизнинг тиббиёт ходимлари билан учрашувдаги маърузаси кизгин хурдадан чиқиб, ўз фаолиятларига танкидий руҳда қараган ҳолда муҳокама этилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз томонидан мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишга, халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган эътибор ўзининг юксак натижаларини берди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги фармони мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аҳолига сифатли бирламчи ва шовишлич тиббий хизмат кўрсатиш тизимини шакллантиришга асос бўлди.

Мазкур фармон асосида таркибида 15 та клиника, 10

истаган даражага етгани йўқ. Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев соҳанинг етакчи мутахассислари билан бўлган учрашувда таъкидлаганларидек, халқимиз тиббий маданияти юксалиб, энг сўнгги усулларда сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини истади. Шу боис, соҳа ходимлари тиббиётнинг энг илғор, замонавий ютуқларини, даволаш усулларини ўзлаштириши зарур.

Давлатимиз раҳбари томонидан айтиб ўтилган соҳани янада ривожлантириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, ёш мутахассисларни тарбиялаш жараёнига илғор таълим технологияларини кенг жорий этиш, дунёнинг етакчи тиббиёт марказлари ва шовишлич тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасидаги ишларимиз халқимиз

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА



"Асака" банк давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган вазифаларни бажариш ҳамда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида фуқароларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишларига кенг имкониятлар яратиш учун тадбиркорларга молиявий кўмак ва мадад беришнинг янги усулларини жорий этди. Банк аҳолини тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиш ва шунга етаклаш мақсадида уларнинг банк хизматлари ва кре-

- чорвачилик;
- паррандачилик;
- асалчилик;
- кўнчилик;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етштириш;
- боғдорчилик ва узумчилик;
- иссиқхоналар қуриши;
- балкичилик;
- кичик ишлаб чиқариш цехларини ташкил этиш;
- касаначиликни ривожлантириш;
- хунармандчилик;
- саргарошхона хизматини ташкил этиш;
- тикувчилик ва чеварликни қўллаб-қувватлаш;
- пойабзал тузатиш устaxonасини ташкил этиш;
- умумий овқатланиш хизматини ташкил этиш;

«АСАКА» БАНК БИЛАН ТАДБИРКОРЛИК САРИ

Тадбиркорлик фаолиятини орқали республикамизни янада ривожлантириши ва тараққий этишига ўз ҳиссамни қўшман деб ниҳат қилган ватандошларимизга «Асака» акциядорлик тижорат банки ўзининг тезкор хизматлари ва имтиёзли кредитларини таклиф этади.

Ўз навбатида, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган фуқароларга намунавий лойиҳалар таклиф этилиб, уларга кредит ҳужжатларини тайёрлаш буйича тегишли маслаҳатлар берилмоқда ва қисқа муддатларда кредит маблағлари ажратиш чоралари кўрилмоқда.

"Асака" банк томонидан аҳолига қўйиладиган йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштириш буйича имтиёзли шартларда кредитлар таклиф этилмоқда:

- маиший техникаларни тузатиладиган устaxonалар ташкил этиш;
- гузаллик салонлари ташкил қилиш;
- аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш;
- автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи шохобчалар қуриш;
- автомобилларни ювиш шохобчаси ташкил қилиш;
- компьютер хизматлари кўрсатиш ташкил қилиш;
- савдо фаолиятини йўлга қўйиш;
- ҳаммомлар ташкил қилиш;
- новвойхона ташкил этиш;
- кандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- қонунчиликда тақкиланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун.

Хурматли юртдошлар! «Асака» банкнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланиб ўз бизнесингизни ташкил этинг. Сизнинг куч ва имкониятларингизни, қобилият ва салоҳиятнингизни рўёбга чиқариш учун «Асака» банк томонидан барча имкониятлар ва шартлар яратилган.

Мурожаат учун телефонлар: «Асака» банк бош офиси: (0-371) 120-26-40

Table with 4 columns: Филиаллар, Код Телефон, Филиаллар, Код Телефон. Lists various branches and their contact numbers.

«АСАКА» БАНК – ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ!
www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган.

ИЗҲОР

КИТОБХОН ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Китобнинг инсон маънавияти шаклланишида қачонки ўзини ҳамда аҳамиятга эга эканлигини ҳар биримиз яхши биламиз. «Ўзимдаги барча яхши фазилатлар учун китобдан миннатдорман», деб ёзган экан улуг алломалардан бири. Чиндан ҳам теран билим ва юксак маънавиятни, қалб гузаллигини китобнинг бебаҳо хизматисиз тасаввур этиш қийин.

Аммо сир эмаски, бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам аҳолининг, айниқса, ёшларнинг китобга бўлган муносабати, китобхонлик маданияти борасидаги жиддий муаммолар ҳақида кўп мулоҳазалар юритилмоқда. Бу ўринда аҳолини яхши китоблар билан таъминлаш, китобхонлик тарғиботи, китобга муҳаббат ўйотиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Кўни кеча эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиботи қилиш буйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Фармойиши бугунги кундаги



ана шундай долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилганлиги билан китобхонларнинг ҳам, ижодкорларнинг ҳам истак-хоҳишларига ҳамоҳанг бўлди. Фармойишда бу борадаги аниқ-равшан чоралар белгилаб берилган. Айниқса, тегишли ишчи гуруҳига китоб нашр этиш, тарқатиш, чунончи, китоб дўконлари тизимини, кутубхоналар тармоғини тубдан ривожлантириш ҳамда шу каби бошқа масалалар буйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилганлиги маънавий-маърифий ҳаётимизнинг мазкур соҳаси тез орада янги босқичи чиқишига катта умидлар уйғотилди. Шу билан бир қаторда, ушбу Фармойиш китоб ёзиш, таҳрир қилиш, нашр этишга

Реклама

AVTOSALON «SARDOR AVTO INVEST» advertisement featuring ZAZ and SUPER-AVTO vehicles.

MARKAZIY BANK ANDIJON VILOYATI BOSH BOShQARMASI advertisement for a bank branch.

MAXSUS VA ODDIY TRAKTORLAR! advertisement for agricultural machinery.

«АДОЛАТ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА» advertisement for a legal firm.

QISHLOQ HAYOTI advertisement for a rural life magazine.

Advertisement for a company with contact information for BoSh muharrir: Chori LATIPOV.

Advertisement for a company with contact information for Худудлардаги муҳбирлар.

Advertisement for a company with contact information for Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги.

Advertisement for a company with contact information for Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик ақинлари.